


1
1271
С. ДОНИШВАР

ШЕРОЗ ҚИССАСИ



سووشون

سیمین دانشور




821.222.2

Д 71

С . ДОНИШВАР

ШЕРОЗ ҚИССАСИ

Роман



«ПРОГРЕСС» НАШРЎТИНИНГ ТОШКЕНТ БУЛИМИ

ТОШКЕНТ 1983

Ҳозирги замон Эрон адабиётининг ёрини вакиллари, олима ва адиби Симин Донишварнинг «Шероз қиссаси» романи шоҳ истибдоди, зулмга қарши курашга шайланган, мустақиллик учун жангга отланган Эрон ватанпарварлари ҳақида ҳикоя қилади.

Асар қаҳрамонлари Юсуф ва Заҳро ахлоқан пок, маънан бой, орзулари юксак, муҳаббатлари соф кишилардир.

Юсуф инглиз мустамлакачиларига қарши курашда ҳалок бўлади, аммо унинг олижаноб ишини давом эттирувчи сафдошлари, адолат қиличини кутарувчи хотини Заҳрохоним, ўғли Хусрав бор.

Ҳурматли китобхон! Симин Донишварнинг шоҳ даври ички зиддиятларини очиб ташловчи бу асарини форс тилидан биринчи бор ўзбек тилига таржима қилиниб, сизга такдим этилмоқда.

Форсчадан НОДИР АЛИМХОНОВ таржимаси

Донишвар С.

Шероз қиссаси: Роман/Форсчадан Н. Алимхон-
нов тарж /.—Т.: Радуга, 1982.—б.

Данишвар С. Смерть ради жизни. Роман.

И(Форс)

«Ўзбек тилига таржима, расмлар, «Прогресс» наш-
риятининг Тошкент бўлими, 1982 йил.

Д $\frac{70304-503}{014(01)-82}$ С.с. обьяв.



БИРИНЧИ БОБ

Ўша кунн ҳоким қизининг никоҳ маросими эди. Нонвойлар ўзаро маслаҳат қилишиб, шундай бир нон сангак ёпишдики, ҳали ҳеч ким бунақасни кўрмаган. Меҳмонлар тўп-тўп бўлиб никоҳ ўқиладиган хонага киришиб нонни томоша қилишарди. Заҳрохоним билан Юсуфхон ҳам келиб нонни кўришди. Юсуфхон нонга кузи тушиши билан заҳарханда қилди:

— Ҳаҳ, меров бузоқлар! Буларнинг ўз қассоблари қўлини ялашларини кўр! Шундай, ҳалол неъматни даромга айлантиришпти. Тағин шундай пайтда-я!

Уларнинг яқинида турган ва Юсуфнинг гапларини эшитган меҳмонлар аввалига ўзларини четроқ тортишди, сунг секин-секин хонадан чиқиб кетишди. Заринида «бопладинг» деб турса ҳам сиртдан билдирмади. Юсуфнинг қўлидан тутиб, кўзлари билан илтижо қилди: «Худо ҳақи, шу бир кеча қўй энди, дилминин вайрон қилма».

Юсуф хотинига қараб тиржайди. У бундай пайтларда ҳар доим ўзининг соқол босган лаблари орасидан бир вақтлар садафдек ярақлаб турган, ҳозир эса чилим чекавериб сарғайиб кетган тишларини курсатиб хотинининг юзига кулиб қўярди. Юсуф бурилиб чиқиб кетди. Зарин эса таёқдай қотганича нонга тикилиб турарди, нима учундир қалами дастурхонни четроқ суриб қўйди.

Икки табақали эшик зич ёпиб қўйилганди. Дастурхон атрофига Лайли-Мажнун сурати ишланган нақшкор тақсимчаларда исириқ териб чиқилган эди.

Ўртада қип-қизартиб пиширилган гулдек нон. Нон юзига кукнори допалари билан тўлдириб «Нонвойлар растасидан адолатпарвар ҳукмдорга» деган сўзлар ёзилган ва заъфарон ҳамда седана билан безак ишланган. Ноннинг атроф чеккасига «Қутлуг бўлсин» сўzlари битилган. Зари кўнглидан ўтказди: «Шундай нонни қайси тандирда ёпишибди экан? Зуваласини бирам катта узишибдики! Бунга қанча тоза ун кегди экан? Яна Юсуф айтмоқчи, шундай пайтда-я! Ахир бу бир ҳовли одамни тўйғазадиган нон-а! Ҳозир дўконлардан нон олиш Рустами дostonнинг иши бўлса. Шу кунда шаҳарда миш-миш тарқалган, ҳоким нонвойлар растасининг юрагини олиб қўйиш мақсадида бир нонвойни тириклай тандирга тиқиб юборишга буйруқ берган эмиш. Сабаби, ўша нонвойнинг нонини еган одам илондек тўлғаниб, вабо теккандек қусган эмиш. Унига ҳар бало аралаштирганидан нонни сиёҳдек қоп-қора чиқармиш. Лекин Юсуф айтмоқчи, нонвойларда нима гуноҳ? Шаҳарнинг бутун озиқ-овқатини, бугдойидан гиёзигача ажнабий қўшинлар сотиб олган бўлса, Энди... Юсуфнинг сўзларини эшитганлардан қандай қилиб: «Туя кўрдингми?» — «Йўқ», деб илтимос қилсамийкин?..

«Салом» деган товуш унинг хаёл ипларини ўзди. Зари нигоҳини нондан олиб ёнида доктор хонум билан сержант Зингерни кўрди. Ҳар иккиси билан қўл бериб кўришди. Иккаласи ҳам форсчани билар, бироқ чала-чулпа гаплашарди.

— Эгизаклар аҳволи яхшидир? — сўради доктор хонум. Сўнгра сержант Зингерга тушунтирди: — Уч-ала фарзандининг ҳам доя бувиси менирман.

— Мен ҳам шундайдир деб ўйлагандим, — деб жавоб берди Зингер ва Бола эмчак эмадир? — деб сўради Заридан. «Ундоқдирми?», «Мундоқдирми?» дея кериб ўзи ҳам чарчади шекилли, ахирги инглизчасига тушунтира кетди. Лекин Зари инглизлар мактабига таълим олган ва раҳматли отаси шаҳарнинг энг зўр инглиз муаллимларидан бўлганига қарамай, ҳозир хаёли сочилиб турганигами ҳеч нарса англамади.

Зари аввал ҳам эшитганди-ю кўзи билан кўрмагунча ишонмаганди. Рўнарасида турган сержант Зингер тикув машиналари сотувчи «Зингер компанияси» вакили мистер Зингердан ўзга киши эмасди. Унинг Ше

розга келганига сал кам ўн етти йил бўлишига қарамай, ҳамон форсча дурустроқ гаплаша олмасди. Тикув машинаси сотиб олган кишига мистер Зингер ўзининг деvedк қаду-қоматига қарамасдан ўн дарс машинадан фойдаланишни бепул ўргатарди. Сўлоқмондай бу киши машина олдига ўтириб олиб, қизларга ҳар хил гул тикиш усуллари кўрсатарди. Ўзининг кулгиси қистамаганичи! Аммо қизлар кўнт билан ўрганишарди. Зари ҳам машина тикишни ундан ўрганганди.

Уруш бошланиши билан мистер Зингер бир кечада офицер формасини кийиб, погону тўппончалар тақиб олганини Зари эшитган эди. Ҳозир кўриб офицер либоси унга жуда мос тушганига ишонч ҳосил қилди. Қаранг, ўн етти йил сохта ҳаёт кечириш осон гапми-а? Қилиб турган иши сохта, кийган кийими сохта, кўйинг-чи, бошидан-оёғи сохта, қалбаки. Жуда устаси фаранг одам экан-а! Ойимни ҳам алдаб-сулдаб тикув машинаси олдирган эди. Ойим бечоранинг бисотида ҳеч вақоси ҳам йўқ, фақат эридан қолган пенсияси бор эди. «Бўйи етган қизга битта тикув машинаси бўлса бас, бошқа сепнинг ҳожати йўқ. Зингер машинаси бор одам ҳатто тирикчилигини ҳам шунинг устидан ўтказса бўлади. Мана қаранг, шаҳарнинг ҳамма казозказолари ўз қизларига битта-битта тикув машинаси олиб қўйишган», — деб шаҳар амалдорларининг исмлари ёзилган ён дафтарчасини ойим шўрликка кўрсатган.

Зари шу хаёлларга ботиб турган эди, уйга бурма шотон ва хотинча узун пайпоқ кийиб олган икки нафар шотландиялик офицер кириб келди. Улардан сўнг Юсуфнинг оғайниси Макмаҳун ҳам пайдо бўлди. Зари унч бир печа бор кўрган эди. Бўйнига фотоаппарат олиб юрадиган ҳарбий мухбир Макмаҳун тўй асбоб-анжоми тўғрисида гапириб беришни Заридан илтимос қилди. Зари ҳам эринмай гулдуру шамдон, кумуш кузгую бўғчага тугилган кашмирий рўмол, узугу исирга, ион, пишлогу кукат, «Марвдашт» қандолат корҳонасида ҳоким қизининг тўйига махсус қўйилган иккига ийрик каллақандгача бирма-бир кўрсатиб айтиб берди. Никох дастурхонининг икки чеккасига қўйилган каллақандларининг бирига келин либоси, иккинчисига кўйи либоси, бошига цилиндр шляпа кийдириб қўйилган. Бир бурчакда ичи танга, писта-бодом ва

ширинликлар билан тўлатилган сатин қопланган болалар коляскаси турарди.

— Келин куёвни астойдил эгарлаб олсин, деб уни эгар устига ўтказиб қўямиз, — деди ойна олдидаги от эгари устига ташлаб қўйилган сўзанани туғирлаб туриб Зари. Ўйдагилар кулиб юборишди. Макмаҳун «чириқ-чириқ» қилиб сурат олиш билан овора.

Зари ҳокимнинг кичик қизи Гилонтож имлаб чақираётганини сезиб меҳмонлардан узр сўради-да, унинг олдида келди. Хурмо ранг сочлари елкасига ёйилган, қўй кўзлари асал рангини эслатувчи кичкина гилонтож тиззасига етар-етмас юбка ва калта пайпоқ кийиб олган эди.

«Менинг Хусравим билан тенг бўлса керак, ёши ун-ун бирдан ошган эмас...» — деб кўнглидан ўтказди Зари. «Маман зирагингизни бериб туришингизни илтимос қилдилар, — деди Гилонтож. — Фақат шу кеча келинга тақиб, эрталаб уйингизга қайта элтириб берарканлар. Ҳамма айб Иззатуддавла хонимда. У, яшил ранг, бахт келтиради, деб келиннинг буйнига яшил ипак ташлади. Лекин опамнинг эғнида бу рангга мос келувчи бирорта нарса йўқ». Гилонтож худди ўргатилган тўтидек сўзларди. Зари ҳайрон бўлди: «Зумрад кўзли зирагимни қачон куриб, қачон кўз остиларига олишган экан? Шундай тўполонда келинни қайта ясантириш кимнинг ақлига келганикин? Сўзсиз, бу ўша Иззатуддавлдан чиққан найранг. Ўша кўзнинг тешилгур исканиб, шаҳарда кимнинг нимаси бор-йўқлигини билиб юради». У овози қалтираб аста шивирлади: «Тўй кечаси тақдим қилинган эди... Қайнонамдан ёдгорлик...» Ўша кеча гўшангада Юсуф зиракни ўз қўли билан унинг қулоқларига тақиб қўйган эди. Тўй тўполони, шовқин-сурон ва синчков хотин-халажларнинг кўз олдида куёв терлаб-пишиб келин қулоқларининг тешигини ахтаргани, бу орада шаҳарнинг оғзи катта хотинларига «тешик қулоқ» ва ота ҳовлиси ҳақида хўн матал тўқишга баҳона топишганлиги ёдига тушди. Гилонтож сабрсизлик билан:

— Ана, «Қўтлуғ бўлсин» бошланди. Бўла қолинг, тезроқ! Эрталаб элтиб беришадн, — деди яна.

Зари қулоғидан зиракларини чиқариб бераркан:

— Эҳтиёт қилинлар, шокилалари тушиб қолмасин, — деб тайинлади. У ўз қулоқларини кўра ол-

маганидек, энди бу зиракларни ҳам қайта кўролмас-
лигини кўнгли сезиб турарди. Лекин бермасдан ило-
жи қанча?

Келини никоҳ ўқиладиган хонага олиб киришди.
Уни Иззатуддавла хоним қўлтиқлаб олибди. Бу хотин
шаҳарга қайси янги ҳоким келмасин, дарров хонадони-
нинг пашшахўрдаси ва маслаҳатгўи бўлиб оларди.
Келиннинг орқасидан варақ-варақ кўйлак кийиб, қўл-
ларига гулдаста тутган фариштадек бешта қизча ва
янги костюм-шим кийиб, галстук таққан қўғирчоқдек
бешта ўғил бола кузатиб киришди. Хона одамлар би-
лан лиқ тўла. Хонимлар чапак чалиша бошлашди.
Ажнабий офицерлар ҳали чиқиб кетишмаганди. Улар
ҳам чапакка қўшилишди. Бари иззат-икром шуларга
бўяди. Зари учун эса тўй азага айланди. «Қутлуғ
бўлсин» бошланди. Келини ойна олдидаги эгарга
ўтқазинишди. Иззатуддавла икки бўлак қанд олиб, улар-
ни бир-бирига ишқалаб кукунини келиннинг бошидан
сенди. Бир хотин қўлларига игна ва қизил ип олиб
кўев ўртоқларининг оғзини «тикди». Ажнабий офицер-
лар «хир-хир» кулишди. Юзига қоракуя суртган дево-
на исирик бурқситиб хонага кирди. У худди бошидан
дуд чиқаётган ажинага ўхшарди. Аммо хонада қадам
қўйишга жой қолмаганди.

«Бу ерда, қаранг, Марҳаб, Шеър, Язид, фаранг-
лар, Зайнаб, жигархўр ҳинду ва Ойшадан тортиб то
Феззагача тупланишибди-ю... Ие Юсуфнинг гапини га-
пирямман-ку», деди Зари ўзига ўзи.

Хонанинг ичи дим ва шовқин-сурон, исирик тутуни
билан ўткир ҳидли гул ислари қоришиб кетган эди. У
ер-бу ерда хонимлар этаги орасидан кумуш гулдонлар-
да гладнолус, гули марям, қалампирмунчоқ гуллари
кўзга ташланиб қоларди. Гулларни Халилий боғидан
келтиришган. Келиннинг «Ҳа» деган жавобини ҳам
Зари англамай қолди. Гилонтож унинг билагига қўли-
ни қўйиб оҳиста «Ойимлар раҳмат дедилар, жуда
ярашди...» — деди. Унинг қолган сўзлари «Қутлуғ бўл-
син» маросимидан кейин бошланган ҳарбий оркестр-
нинг қулоқни батанг келтирувчи «гумбир-гумбири» да
гарқ бўлиб кетди. Оркестр худди жанг маршини чалаёт-
гандек эди.

Иззатуддавла хизматкорининг хотини зўрга ўзига
йўл очиб ичкари кирди ва хоним олдида келиб унинг

қўлига сумкача тутқазди. Иззатуддавла сумкадан кумуш танга ва писта-бодомга тўла халтача олиб, келиннинг бошидан сочқи сочди, сўнг ажнабий офицерлар ва докторхонум эргашиб юрмасинлар, деб ҳар бирининг кафтига битта-битта тилла танга босди. Зари шу дамгача Ҳамидхонни хонада эканлигини пайқамagan экан. Овозидан таниб қолди. Ҳамидхон офицерларга қарата: «Ойимларнинг қўллари баракали, чунтакларингиз пулга тўлсин...— деди-да, Зарига бурилиб илтимос қилди.— Заҳрохоним буларга таржима қилиб беринг». Зарига биринчи ишқибоз бўлган шу Ҳамидхон эди. «Қўзинга уқ тегсин, сени, — дилдан утказди Зари. — Тарих муаллимини йўлга солиб, тўққизинчи синф қизларини қадимги уйлардан деган бахонада уйингга олиб келтирганинг, уятсиз, бешарм кўзларинг билан қизларни худди еб қўйгудек бўлганинг, ҳаммом ва зўрхоналарингни кўрсатиб, «Мана бу ойнаванд айвонни шаҳар миршаб бошиси бўлган бувам қурган Лутфалихон эса ойна устига гул солган, буларнинг ҳаммаси етти пуштимга етиб ортади», — деб сайраганинг, сўнгра биз Шопурий ҳаммомига тушган кунимиз беҳаё онанг атай кириб менинг яланғоч баданимга бирон иллати бормикан, деган фикрда укки кўзларини тиккани ҳали-ҳали эсимда. Яхшиям, бахтимга Юсуф уртага совчи қўйди, бўлмаса дабдабали турмушининг кўриб бечора онам ва укам лақ этиб домингга тушиши ҳеч гап эмасди».

Никоҳ маросимидан сўнг боғ ва уй олдидаги айвонда базм бошланди. Сарв, зайтун, норинж дарахтлари лампочкалар билан безатилган. Катта дарахтларда катта лампочкалар, кичик дарахтларда жажжи лампочкалар. Улар чарақлаб турган юлдузларни эслатади. Икки томонидаги кичик ҳовуздан сув зинама-зина оқиб тушмоқда. Ҳар зинанинг ўртасига қизил гул шаклида лампочкалар қадалган. Сув ана шу чироқчаларнинг қизил нуъталарида товланиб, катта ҳовузга қуюлаётир. Кенг пистазорга рақсга тушувчилар учун гиламлар тўшалган. «Ҳовузча ва зиналарни безатиб турган лампочкаларнинг симлари гиламлар тагидан ўтган бўлса керак», деб қўйди нинда Зари.

Катта ҳовуз атрофида ҳар хил мевалар билан тўла иттизи гулига ўхшаган қатор гулдон, уч шоҳли қандил ва бир сават гул кўзга ташланади. Қандилдаги шамлар

қилган. Мабодо шамол шамларнинг бирортасини ўчириб қўйса хизматкорлардан бири югуриб келиб, қўлидаги калта сопи машъали билан уни ёқиб кетади.

Соч-соқоли оқарган, қомати келишган ҳокимнинг ўзи катта ҳовуз ёнида кириб келаётган меҳмонларга «хуш келибсизлар» деб қўл қовуштириб турибди. Ҳаммадан кейин кўзи гилай полковник билан Зарининг собиқ мактаб мудираси кўринишди. Улар қўлтиқлашиб олишганди. Сўнгра икки нафар ҳинд сарбози кема шаклида териб қўйилган бир сават қалампирмунчоқ гулларни қоринларини устига қўйган ҳолда кириб келиб, ҳовуз лабига — ҳоким оёқлари тагига қўйишди. Ҳоким гулларга аҳамият бермай, мактаб мудираси инглиз хонимининг қўллари билан ўнди. Хоним гулларга имо қилгандек бўлди, чунки ҳоким полковник қўлларини қўйиб юбормай ҳамон сиқарди. Шаҳар ҳокими қўлини ниҳоят ҳинд сарбозлари томон чўзди, аммо улар қўлини олиб кўришиш ўрнига поиналарини бир-бирига уриб, қадларини фоз тутиб ҳарбийларча салом беришгач, ўгирилиб орқаларига қайтишди. Шу пайт ҳарбий оркестр марш бошлади. Сўнгра созандалар олдинга чиқди, «Неъмат»¹ чанг чаларди. Бир бола «гилам, гилам, ёр гелабтун»ни айтиб ўйинга тушди, кейин «азизим, мажнунтол баргисан», деган қўшиқни ижро қилди. Унга қорни катта созанда тор чертиб, жўр бўлиб турди. Шундан сўнг ўхшовсиз тикилган қашқойлар² кийимидаги бир тўда эркак ва хотинлар чилдирма чалиб, «Рўмолча ва калтак» рақсига тушдилар. Зари шу пайтгача ҳазил-мутоиба рақсларини кўп кўрган, лекин қашқойча қизиқчилик ўйинини умрида биринчи марта кўриши эди.

Навбат ҳоким қизининг никоҳ тўйига Техрондан маҳсус даъват этилган созандаларга келди. Тўйнинг шовқини-сурони Зарининг қулогини батанг қилганди. Ҳатто патнисдаги ширинликлар ва столларга чиройли қилиб терилган идишлардаги тўла писта-бодомлар ҳам унинг кўнглини беҳуд қила бошлади. «Патнисдаги ширинликларни қандолатфурушлар растаси, писта-бодомларни эса пистафурушлар растаси юборган. Беш қаватли торт ажнабийлар бош қўмондонлигининг тухфаси бўлиб, са-

¹ Созанданинг номи.

² Эроннинг жанубий қисмида яшовчи йирик қабилалардан (Китобдаги илоҳлар таржимоншики.)

молётда олиб келинган» — деган гапни кўнгилдан ўтказди. Торт айвондаги столга қўйилган бўлиб, бешинчи қавати устида тортнинг ўзидан ясалган қўл ушлашиб турган келин ва куёв, уларнинг орқаларида инглиз байроқчаси яққол кўриниб турарди.

Хуллас, бу тўй-томоша худди кинога ўхшарди. Ҳамма ёқда нишонлар ва яроқлар тақиб олган ажнабий офицерлар: бурма юбкали шотландияликлар, саллалли ҳиндлар... Агар зиракларидан кўнгли хира бўлмаганда эди, Зари буларнинг ҳаммасини мазза қилиб томоша қилган бўлармиди?

Биринчи бўлиб келин ва куёв рақсга тушишди. Келин кийган узун кўйлакнинг этаги думлик юлдузга ўхшаб гилам устида судралар, унга қадалган қимматбаҳо тошлар, мунчоқлару марваридлар чироқ нурида товланарди. Лекин энди бўйнида яшил ранг ипак ва юзида келинлик турли йўқ эди. Фақат ўша зираклар ҳамон қўлоғида. Келин бир гал инглиз полковниги, сўнгра сержант Зингер билан рақсга тушди. Зингернинг қўлларида келин худди капалакдек учарди. Бир неча марта келиннинг оёғини босиб ҳам олди, шекилли. Қолган офицерлар эса бошқа хонимларни рақсга таклиф қилишди. Шаҳар казо-казоларининг ранг-баранг кийимлардаги хотин-қизлари бегона офицерларнинг қучоқларига сингиб кетгудек бўлиб рақсга тушардилар. Қреслоларда ўтирган эркаклар эса хонимларини диққат билан кузатишар, ўзларини кўриб-кўрмаганга солишаркан, олов устида бамайлихотир ўтиргандек туюлишарди. Афтиларидан хушҳол кўринишсада, аслида ич-ичларидан зил кетишарди. Бировнинг ичидаги гапни билиб бўлармиди?! Офицерлар ҳар гал рақс тамом бўлгач, хонимларни ўз жойларини топа олмасликларидан қўрққандек, эрлари ўтирган жойгача кузатиб қўярдилар. Улардан баъзилари оёқларини жуфт қилиб, ярим эгилиб хонимларнинг қўлларини ўпардилар. Шундай пайтларда хонимларнинг эрлари худди пружинадек уринларидан сапчиб туриб, яна қайта жойларига чўкишарди. Уларнинг бу ҳаракатлари бурама қўғирчоқларни эслатарди. Фақат Макмахун рақсга тушмади, муттасил сурат олиш билан машғул эди.

Сержант Зингер Зари олдига келди. Пошналарини зарб билан жуфт қилган эди, «дўқ» этган садо чиқди, энгашиб таъзим қилди.

— Рақсга тушмайсизми?

Зари уэр сўради. Сержант елкасини қисиб қўйди-да, докторхоним томон йўл олди. Зари бир неча стул нари-роқда ўлтирган эрига қараб қўйди. Юсуфнинг баҳор туллари осмонидек мовий кўзлари ҳам унга тикилди. Унинг кўз қисишидан Зарининг юраги орзиқиб кетди. Зарига маҳбубининг кўзлари тубида зиракларининг тумрад кўзларига ўхшаб кетадиган икки қатра ёш яшириниб ётгандек туюлди.

Полковник ва Зингер гоҳ биргалашиб, гоҳ алоҳида-алоҳида баъзи эркакларни боғ этагига олиб боришар ва бир неча дақиқадан сўнг қайтишар, тўғри барга пўл олишиб, бир-бирларининг саломатликларига қадаҳ кутаришарди. Шу пайт Зари эрининг қулоғига Зингер бир нарса деганини пайқаб қолди. Юсуф ўрнидан турди. Зингер билан бирга лампочкалар билан безатилган қатор норинж дарахтлари ҳиёбонидан ўтишиб, боғ этаги томон юришди. Негадир тезда қайтишди. Аммо бу гап бар томон юришмади. Зари ҳамон уларнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб турарди. Сержант Зингер полковникка имлаб қўйди. Полковникнинг ғилай кўзлари унинг имосидан янада ғилайлашиб қовоқ-тумшуғи осилиб кетди. Юсуф қайтиб келиб Зари ёнига ўтирди. Унинг юзлари бўзариб, қўнғир мўйлови титрарди.

— Тур, секингина кетамиз,—деди Юсуф хотинига. Зари сочларини Юсуф тарафдаги қулоғи устига тушириб:

— Майли, сен нима десанг шу-да, — деди.

Улар энди ўринларидан қўзғолган ҳам эдиларки, бир қўлида қадаҳ ушлаган Макмаҳун пайдо бўлиб, уларнинг ёнларига келиб ўтирди ва Юсуфнинг қўлидан ушлади. Жин ичаверганидан Макмаҳуннинг кўзлари қисилиб кетганди.

— Бош тикувчи билан ўрталарингдан яна мушук ўтдими? — деб инглиз тилида сўради-ю, бир оҳ тортиб, давом этди: — Биламан, сизларга қийин, лекин бизга ҳам осон тутма-да... Ҳалиги шеърим сенга ёқдими? Йўқми? Шаҳрингизга атаб шеър тўқимоқчиман, нима дейсан? — У қадаҳдаги нордон лимон паррагига қараб қўйди. — Битта шу нозик, яшил пўстлик лимон бутун дан-ту-сахронинг хушбўйини ўзида мужассамлаштирган-а? — Макмаҳун алжишда давом этди. — Ана қаранг, мана шу чиройли, келишган сарвлар шаҳрингиз ҳуснига ҳусн қўшган. Шундай диёрда вужудга келган инсонлар

ҳам шу диёр ўсимликлари каби латиф ва муътадил бўлишлари керак. Мени «Нега сен муътадил ва латиф эмассан», деб сўраш учун олдинга юборишди. Майли, мен кетдим, кайфим ҳийла ошганга ўхшайди. Эҳ, ирландиялик, эҳ доимо бадмаст шоир! Баракалла, топириқни қотириб бажардинг! — Шундан сўнг Зарига қараб: — Саломатлигингиз учун, — деб қадаҳдаги жинни охиригача шимирди-да, бўш қадаҳни стол устига қўйди.

— Қани туринглар, ҳув анави майсалар соҳилида лангар ташлаган, гулдан ясалган кема ёнидаги скамейкага бориб ўтирамыз. Сиз ҳам биз билан юринг, Зари. Келишган, гузал аёллар кишиларни доимо ҳаяжонга соладилар. Ана у устига гул ортилган ҳарбий кема қўшниларимиз бош қўмондонининг туҳфаси.

Мана, энди соз бўлди. Менинг қадаҳим қаерда қолди? Зари, қадаҳимни тўлдириб беринг... илтимос! Аслида, сиз билан биз қариндошимиз, шундай эмасми? Эрон ва Ирандия! Иккалови ҳам орийлар ўлкаси. Бизнинг аждодларимизсиз. Биз эса сизнинг набираларингизмиз. Эй, бизнинг кекса аждодларимиз... бизга тасалли беринг, ором бахш этинг! Эй, ароқхўр патриархал ирланд католиги! Биламан, бир кунмас бир кун жалада қолган итдек бирор бир чуқурликка ағрадилиб тушиб, ўлиб кетасан, ё кексалар уйдан дийдорингга зор бўлган онангни ахтариб, бирор мункиллаган кампири «онажон» деб чақирасан. Охирида қўшнининг қизи онанг учун олиб келган бир кружка иссиқ сут билан... Онанг шўрлик бўлса фронтдаги ўғлига атаб, мана шу оёғимдагига ўхшаган гулдор жун пайпоқ тўқиб ўтиргандир. Тунги ҳаво гревогаси ходими бўлган отанг самолётлар маҳалламизга бомба ташлашларини, уйимизнинг вайрон бўлишини биларди. Она шўрлик жанг майдонидаги ўғли учун гулдор жун пайпоқ тўқиб ўтирганини ҳам биларди. Бечорани вайроналар остидан суғуриб олганларида ҳам пайпоқ тўқийдиган сим урчуқлари қўлида экан. Ана, энди отанг «афсус, минг афсус» мазмунида хат ёзибди... Ана энди, патриархал католиклар оиласининг фарзанди... Шунча бўлмагур иккору эътиқоддан кейин нима қилмоқчисан? Энди кўч кўтариб Лондонга бориб, нима каромат кўрсатмоқчисан? Ўша фақир бечора Ирландияда қолиб уни йўлга солиб, озод қилганинга эди, шунча мусофирлик машаққатларини чекмаган булар эдинг. Фурбатда Ирландия тўғрисида афсоналар ўқиганинг ва унинг



эзма шоирларини кўкларга кўтарганинг нотавон ўлканг ғамида оҳ урганларини ёдингдами? «Менинг ўлкамда ёшлар бузилмаган», деганинг Ҳамсухбатларининг: «Британияда ёшлар бузилиб кетганми?» — деб сўраганилари эсингдадир? Эй, ирландиялик ароқхўр, ҳар ҳафта бир марта кема келиб, савдо молларини тушириб, улар ўрнига ватанинг ўғил ва қизини ортиб, Америкага олиб кетганлари ёдингдан кўтарилибди-да?

Худди мана шу бош тикувчимизга ўхшаганлар занжирбанд табааларини мустамлакаларга юборилаётганлигини кўриб, кўрмасликка олганлар. Ҳа, айтгандай, нима бўлди ўзи, бош тикувчи билан уришиб қолдинг шекилли?! Сени ва мени кўргани кўзи йўқ. Мен ҳам кунин кеча консулга «Юсуфга тегманглар», — деб айтгандим. Лекин бош тикувчи кўнмади...

Макмаҳун қадаҳини охиригача шимириб, сўзида давом этди:

— Баъзи одамлар ноёб гулга ўхшайдилар. Ўзгалар бу одамларнинг жозибадорлиги ва барқ уришига ҳасад қиладилар, чунки бундай нодир гуллар бутун ер юзининг шираси, бутун офтоб нури ва табий шарбатини эмиб, ўзига жазб қилиб олади, бизга ҳеч нарса — на офтоб ва на ҳаво қолдирмайди, деб уйлашади. Бундайларни кўролмайдилар, уларга қолса, ер юзида отлари учиб кетса. Улар: «Ё бизга ўхшаган бўл, ё бўлганингдан бўлмаганинг аъло», дейдилар. Сизлар худди ўша ноёб гулнинг ўзисизлар. Лекин сизлар аччиқ дарахт япроқларига ўхшайсизки, ундан ҳашоратлардан бўлак ҳеч ким қўрқмайди. Юмшоқ, майин утларни қўзичоқлар еиши керак. Қўркамроқ, баландроқ, сермевалироқ шохнинг ўзини бутун бир дарахт деса ҳам бўлади. Ҳозир эса шу баланд шохнинг кўзи очик ва қулоғи яхши эшитади. Улар бўлса: «Кўзининг кўр, қулоғингни қар, тилингни гунг қил», дейдилар. Ирландиялик ароқхўр шоир. — ҳарбий мухбирини эса ўша шохни эгиш учун юбордилар ва ўша чўнтагида дадасининг хати бўлган мухбир сизининг эсингизда ўлтирибди. Дадаси эса хатида «афсус, минг афсуски...» — деб ёзган.

Макмаҳун яна бир қултум ичди, кўзлари бутунлай юмilib, тилиб қўйилгандек тирқиш қолди, холос.

У алам билан яна гапида давом этди:

— Эй, Ирландия, орийлар набираларининг маскани, сенинг тупроғингда яшнаши керак бўлган дарахт ҳақи-

да шеър ўқидим. Бундай дарахтнинг номи нималигини биласанми? У дарахтнинг номи «Мустақилликдир». Бу дарахтни сув билан эмас, қон билан суғормоқ керак. Чунки сув билан суғорсанг, қуриб қолиши мумкин. Шундай, Юсуф, тўғри айтдинг, мустақиллик мен учун азиз бўлса, сен учун неъматдир. Менга айтиб берган эртагинг дардимга малҳам бўлди. Сизнинг эртақларингизда бир афсонавий дарахт буларминш, ҳар ким шу дарахтнинг баргини қуриптиб, сурмага ўхшатиб кўзига суртса, кўздан гойиб бўлиб қоларминш ва истаган ишини қила оларминш. Қани энди, шу дарахтлардан биттаси Ирландияда ва яна биттаси сенинг шаҳрингда бўлса!

Бир оз сукут қилгач сигарасини тутатиб, яна гап бошлади:

— Мени кечиргайсизлар, сизни кулдирай деб кўп алжирадим... Ҳа, дадамдан «афсус, минг афсус...» деб ёзилган хатни олгач, эгизакларга атаб эртақ туқиди... Минога атаб. Мино ва Маржон эгизаклар-ку... Кимга қўйибман-а эртагимни? Ҳа, дадам хатининг ушунда қолибди, шекилли... Хуллас, бир аэроплан ясаман-ман. Аэроплан болаларга ўйинчоқлар... ё бўлмаса ширин-ширин эртақлар ташлаб ўтади. Мана, эртақнинг уша эртақлардан бири: «Бир бор экан, бир йўқ экан, жажжигина Мино исмли қизча бор экан. Ёлғиз шу қизчагина осмонда юлдузлар куринмаса, уларга айтиб йиғлашга тушаркан! Фақат Миногина юлдузларга айтиб йиғлаганини кўрганман... Мино кичкиналикда опаси уни бағрига босиб осмонни кўрсатиб деркан: «Оймўмажон, оймўма, келақолу, Минонинг қўлига кира қол». Шундай қилиб, Мино осмонга опиқ бўлиб қолган экан. Энди у кечалари осмон булутли бўлса юлдузларни топа олмай йиғларкан... Қани энди хизматкор хотин қурмагур осмондаги тупроқларни у ёқ-бу ёқ суриб қўя қолмай тозалаб супуриб қўйса. Кечалари супуриб қўйса-ку, бир-иккита юлдуз кўриниб қола-миди? Ойиси супурса иш чатоқ бўлади. Бутун осмон чиннидек қилиб супуриб юлдузлару ойни териб халтачага солади-да, оғзини тикиб, жавонга тикиб, калитни яшириб қўяди. Мино ҳам иложини топибди: Опа-сини келишиб ойисининг калитларини ўғирлашиб, қўйини рига солишиб ўйкуга кетишибди. Агар калитлар бўл-са, тун тўлиқ мажмаа жамлан-чиган-аркан.

Мен умримда юлдузларга шу қадар меҳр қўйган қизчани кўрмаганман. Бир жавонига шунча юлдуз синадиган шаҳарни ҳам учратмаганман...

У қадаҳдан яна бир қултум ютди:

— Мино чўпчаги ниҳоясига етди, менга офарин, дегин, Юсуф. Сен айтиб берган эгизакларингнинг икки-уч калимасидан қандай қизиқ эртақ ясаганимни эшитиб, қойини қолган бўлсанг керак. Сен: «Бизнинг шаҳримизда ҳамма шоир бўлиб туғилади», деб айтганинг. Ирландияликлар ҳам қолншмайдилар...

Макмаҳун жим бўлиб қолди.

Эрининг акаси Абулқосимхон қаердан пайдо бўлиб қолганини Зари сезмасдан қолди. Ҳарбий мухбир қадаҳни кўтариб туриб кетди.

— Виски истайсизларми?— деди хонога уларнинг ёнига ўтираркан.

— Йўқ, раҳмат, хоҳласангиз мана бундан қуйиб берай,— деди Зари жинга ишора қилиб.

— Ука, сен бекорга тунингни тескари кийиб олдинг,— деди хонога,— нима бўлганда ҳам булар бизнинг меҳмонимиз, бу ерда абадий қолиб кетишмайдн. Бермасак зўрлаб олиб кетишади. Омборларнинг қулфи, муҳру мўмидан қўрқишармиди? Текинга сўрашаётганлари йўқ-ку. Пул беришади. Мана, мен омборларимда борини сотиб, чек ёздириб олдим... Аванс ҳам беришди... Нима бўлса ҳам ҳозир улар хўжайин-да, Юсуф.

— Ҳадеб меҳмонликларини пеш қилавермасанг-чи, хонога. Улар чақирилмаган меҳмон... Ҳаммасидан ҳам жирканчи вужудингизни қамраб олган тубанликдир... Бирпасда барчангизни ўзларининг даллоли, югурдаги, тилмочи қилиб олишибди. Қўйинг, лоақал бирон-бир одам қаршилиқ кўрсатсин! Улар ичларида бўлса ҳам: «Битта марди майдони бор экан» дейишсин, ҳеч бўлмаса.

Шу пайт овқатга таклиф қилишди. Меҳмонлар иморат томон юришди. Зари, эри ва Абулқосимхон аввалига ўринларидан турмоқчи бўлишди-ю кейин яна жойларидан жилинмади.

— Сен ҳам бирон нарса десангчи,— деди хонога Зарига қараб, кўзларини юмаркан,— Кўрдингми, ҳе йўқ, бе йўқ ўз акасини ҳақорат қиляпти.

— Мен нима дейишим мумкин?

— Жоним, азизим, ҳали сен ёшсан,— деди хонога

Юсуфга ўгирилиб. — Тушунмайсан. Сен шу хом калланг билан ўйнашяпсан. Ҳаммамизнинг бошимизга бало ёғдирмоқчисан. Тушунсанг-чи, шунча катта қўшинни боқиш осон гап эмас, уларни оч қолдириш мумкин эмаслигини ўзинг биласан-ку...

— Нима, меннинг ҳамқишлоқларим, ҳамшаҳарларим оч қолишса майли эканми? — сўради Юсуф аччиқ билан.

— Шошма, Юсуфжон, ўтган ва узоқ йиллари-ку қутулиб қолдинг, бермадинг. Биз бир амаллаб тўғрилаб юбордик. Лекин бу йил ҳеч иложи йўқ. Ҳозирги пайтда озуқа билан бензин улар учун тўпу милтиқдан зарур...

Маман овқатга таклиф қияптилар,— деди Гилонтож уларнинг олдига келиб.

Ўринларидан туришди.

— Яна жиннилик қилиб, эртага кечқурун базмга келмасдан қолмасин, унга айтиб қўй. Хусравни ҳам даъват этишган. Ўзим келиб сизларни олиб кетаман, — деди Абулқосим Зариннинг қулоғига шивирлаб.

— Эртага жума оқшом, ўзингизга маълум, назр қиладиган куним.

— Жон келин, илтимос қиламан, — деб қўшиб қўйди Абулқосимхон кўзини юмиб.

* * *

Уйга қайтиб келишгач, Зари кроватга ўтириб фақат туфлисини ечди. Юсуф шимини тозалаб, вешалкага илди-да пижамасини кийиб қўшни хонага ўтди. Қўшни хона эшиги эру хотин ётоқхонасига очиларди. Зари ўтирган жойидан қўшни хонада нима бўлаётганини кузатиб турди. Юсуф эгизаклар кровати тепасида туриб, уларни томоша қилди. Сўнгра нари ўтди. Зари қолганини кўра олмади. Лекин эри болаларининг ёстиқларини тўғрилаб қўяётганини, ёстиқ тагига яширилган бир даста калитни олиб ўпаётганини, уларга меҳрибонлик билан боқиб «менинг фаришталарим» деяётганини ҳис этарди. Сўнгра нариги эшикнинг очилган товуши эшитилди. Юсуф Хусрав ётган хонага ўтиб, кўрпасини устига тортиб қўйишини, пешонасидан ўпиб: «Ўғилгинам, мен уддалай ололмасам, келажакда сен уддалайсан. Кўз қорачигимдан ҳам азиз кўраман, сени. Бир кун кўрмасам, илондек

тулғонаман» ва шунга ўхшаш сўзларни айтишини биларди.

Юсуф ётоқхонага қайтиб чиқди. Зари ўридан жилмаганди.

— Ҳали ҳам ётганинг йўқми, — деди-да, калитларни бера туриб жилмайди: — Қўғирчоқларим жуда ажойиб. Улар менинг фаришталарим, — деди-да, хотини ёнига ўлтирди. — Қўйлагингнинг орқа тугмаларини ечиб қўяйми? Кечирасан, ёдимдан кўтарилибди.

— Макмаҳун эгизакларга атаб жуда чиройли эртақ тўқибдими, — деди Зари унга орқасини ўгириш ўрнига.

— Нима деганини тушундингми?

— Ҳа, тушундим. — Зари унинг ирландча лаҳжасига анча ўрганиб қолганди.

— Биласанми, Мино бугун менга нима деди. Уни осмонга отиб бағримга боссам, нима деди дегин менга: «Дада, ойим сизга иккита юлдуз берган-а? Ана кўзларингизда кўриб турибман».

— Бола рост айтибди. Кўзларинг ичида икки юлдуз чарақлаб турибди, — деди Зари кулимсираб. — Кўзларинг, мошолло, худди зумрадининг ўзи...

Юсуф хотинининг орқасига ўтиб, қўйлаги тугмаларини еча бошлади:

— Шунча тугмаларнинг нима кераги бор экан? Ҳа, айтгандай, оқшом Макмаҳунга шундай гапларни айтдимки, Зингернинг қулоғига етгудай бўлса, ишимнинг пачаваси чиқиши турган гап.

Тугмаларни ечиб тугатди. Қўйлакнинг юқори қисми сидирилиб хотинининг белигача тушди. Юсуф сийнабанд тугмаларни ечатуриб сўзида давом этди:

— Макмаҳунга: ҳа, шаҳримизнинг одамлари шоир бўлиб туғилишади, аммо сизлар уларнинг шеърларини оёқ ости қилдинглар. Паҳлавонларини ахга қилиб қўйдинглар. Лоақал «Рустам дoston» қиссасини айтишга ва шеър ўқиб кураш тушишга йўл бермайсизлар, дедим. Улкамизни қаҳрамонларидан маҳрум қилдинглар, шаҳримизни гўристонга айлантирдинглар, энг тўполон маҳалла ҳам мана шу Мардистон маҳалласига ўхшаб қолди, дедим.

Юсуф Зарининг сийнабанд тугмаларини ечиб, қўлларини унинг кўкраклари устига қўйди.

— Мунча ҳам сиқиб тортиб қўймасанг, юрагим ачишади уларга.

Зари кўкракларига сўзанақ киргандек туюлди. Тугмачадек қора учлари бурғиб чикди. Юсуф ҳароратли лаблари билан унинг елкасидан бўса олди.

— Мардистон маҳалласи қаерда экан, деб сўрамадими?— деди Зари ҳорғин товуш билан.

— Сўради. Юзларига ула-элик суриб, шунинг орқасидан нон топиб юрадиган бахти қора хотинлар яшайдиган маҳалла-да! Сиз ўз ҳинди сарбозларингизни ўша «худо урган ва пайғамбар ҳассаси билан туртган» бечоралар олдига юборасизлар-ку, дедим. Сизга фақат пул бўлса бас. Шеърятни тириклайин гўрга тикдинглар, эвазига извошчилар, фоҳишалар ва даллоллар бир-икки оғиз инглизча гапиришни ўрганиб олишди, дедим. Макмаҳун бўлса: «Бундай нарсаларни менга гапирма, биттаю-битта юрагим ўзи бу урушдан қон бўлиб кетган»,— деб жаноиб берди.

Юсуф севгилиснинг сочларини силаб, оппоқ бўйнидан ўпмоқчи бўлиб турганди, Зари ўгирилиб қўлларини унинг елкасига қуйди. Кўз ёшлари маржондек тўкилди.

— Сени хафа қилиб қўйдимми?— деб таажжубланиб сўради Юсуф.— Мен ҳаммага ўхшамайман. Қўлимга қарам бўлган ҳамқишлоқларимни оч-яланғоч ташлаб қўёлмайман. Шундай бутун бир ўлкада битта ҳам мард киши қолмаслиги яхшими?

— Нима истасалар қилаверсинлар,— деди Зари йиғи аралаш,— лекин уруш менинг хонадонимни вайрон қилмасин. Шаҳар Мардистон маҳалласига айланган бўлса, менга нима... Менинг шаҳрим, мамлакатим — уйу жойимдир. Лекин урушни менинг уйимга ҳам олиб киришмоқчи...

Юсуф Зарининг юзларини ўз қўллари орасига олиб, ёшли кўзларидан ўпди.

— Қўй, бўлди, тур бориб юзингни ювиб кел. Ҳозир бундай гапларнинг ўрни эмас. Худди ёшлар устига чизилган сурагга ўхшаб кетдинг. Яккаю ягона худон-таоммага қасам ичиб айтаманки, сен ўша ёшлар устига чизилган суратлардан ҳам ифбатлироқсан. Турақол, жонгинам, кўнглим сени истаб қолди.

Зари ечинатуриб чироғни ўчирди. Эрининг таъбири билан айтганда, қорни устига чизилган «географик хари-тани» кўришини хоҳламасди, гарчи Юсуф ҳар гал «Мени деб шунча азоб чеккансан», деб чок устидан

ўлиб қўйса ҳам, қорни устидаги тиг излари ўша докторхонимнинг қилган иши эди.

Зари кроватга ётгач, Юсуфнинг иссиқ ва жуи босган оёқлари оёқларига тегиши, забардаст қўллари кўкракларини силаб пастроққа тушиши биланоқ аъзойи бадани бўшашиб, дунёдаги бор нарсани унутди... Зираклар, сержант Зингер, докторхоним, келин, маршлару ногоралар, никоҳ маросимида қатнашган гилайлару каллар — ҳамма ва ҳаммаси ёдидан кўтарилганди. Фақат ариқчалар четига экилган қизил гуллар орасидан оқиб ўтаётган оромбахин сувнинг жилдираши қулоғидан кетмасди. Кўз олдида ўша гул ортилган кема гавдаланди, гуё жанг кемаси эмасмиш.

ИККИНЧИ БОБ

Зари пайшанба куни гира-ширада ўрнидан туриб, оёқ учида хонадан чиқди. Юз-қўлини юйиб, катта хонага кирди. Самовар қайнаб турган стол олдида эрининг опаси Фотимахоним ўтирар, нонушта тайёр эди. Эгизаклар — Минно ва Маржон бир жуфт чумчуқдай чирқиллашиб стол атрофида эмаклашиб юришибди. Зари икки қизчаси ва ўғли Хусравнинг омон-эсон дунёга келишлари муносабати билан ҳар жума оқшоми зиндондаги ва жиннихонадаги бахти қароларга нон ва хурмо назр қиларди. Зари нозик бадан ва хипчабел бўлгани учунми, ҳар гал қийналиб туғарди. Ҳар сафар юкли бўлганда уйда туғишга аҳд қилиб, шаҳарнинг энг зўр дояси билан келишиб қўярди. Лекин барибир яна ўша докторхоним, миссионерлар касалхонасига боришга, назр-ниёз қилишга тўғри келарди. Унинг устига пичоқ ишлатишга устаси фаранг докторхоним ҳам шартта кесиб, тикиб ташлайверарди. Зари Хусравга иккиқат бўлиб қаттиқ дард тутганда телбаларга уйнони ва хурмо атаб қўйганди. Анча вақтгача юраги бетламай юриб, беш йил ўтгач яна ҳомиладор бўлиб қолди, бу гал авахтада ётганларга ҳам нону хурмо атади.

— Қани, ганирчи, нима янгиликлар топиб келдинг, — деди амма чой қўйиб, олдида қўйгач.

— Эсизгина, сиз бўлмадингиз-да! Икки давлат ўртасига инзо тушибди, дейишяпти.

— Хоноғамнинг феъли маълум. Юсуфни ҳам биламан. Абулқосимхон қалби пок одаммас, депутат бўлиш куйига тушгандан бери ундан беш баттар бўлиб кетди.

— Бугун кечқурун нима бўлса ҳам фарангиларнинг тўйига боришим керакмиш, хоноғага сўз бердим. Билмайман, назрим нима бўлади энди?

— Майли, кўп ташвиш тортаверма. Ҳожи Муҳаммад Ризо бўёқчидан илтимос қиламан, унга хизматкоримизни қўшиб, жиннихонага юбораман. Ўзим Ҳусайнога аттор билан зиндонга бориб келаман. Сакина ҳам шу ерда, тандири қизиб, хамири ошиб қолгандир. Намозимни ўқиб, хабар олдим: кулча қияпти, шекилли. Майли, сен бора қол тўйга, болам, ака-укалар уришиб қолишмасин, тағин.

Шу пайт хонага Хусрав кириб келди.

— Ана атажоним ҳам телдилай, мени отга хачув тилип тўяди, тўғйи-ми атажон?— деди Мино чапак чалиб. Мино сўзларини тўғри талаффуз қилолмасди.— «с» ўрнига «ш», «к» ва «г» ўрнига «т», «р» ўрнига «й» дерди.

Минодан чорак соат кейин туғилган Маржон бўлса, у нима деса шуни такрорлар, опачасининг ёрдамчиси эди. Маржон Хусравнинг оёқларини қучоқлаб олиб, «олдин у билан ўйна, кейин мен билан, хўпми?»— деди ёлвориб.

— Ҳозир мактабга кетаман,— деб Хусрав сингилларининг бошларини силаб, нонушта қилишга ўтирди. Мино стол устидаги дастурхонни тортгани, самовар чайқалиб, ағдарилиб тушшига оз қолди. Фотимахоним ушлаб қолди.

— Вой худоё, булар одамни жинни қилиб қўйишадими-я,— деб қўлларига биттадан қанд тутқазди.

— Ойижон, рухсат берасизми, бугун кечга яқин «Сеҳрни» тақалайдилар»— деб қўлини қанддонга чўзди Хусрав. Ундан беш чақмоқ қанд олиб чўнтагига солиб қўйди. Сўнг аммасининг қўлидан чойни олиб, яна икки чақмоқ қандни киссасига тикди.

— Ширин чой қилиб ичмайсанми?— сўради аммаси.

— Йўқ, мактабга кеч қоляпман.

— Бўлмаса, лоақал қанд тишлаб ич-да,— деди Фотимахоним яна бир чақмоқ олиб бериб.— Хонога деҳқонларининг тегиши бўлган бир қоп қанд билан

йигирма бўлак чойни Саид Мутиндинга олиб бориб берганмиш. Ордона қолсин, умрида қибла қай томонда эканлигини билмаган бу одамнинг орқасига ўтиб, номоз ўқирмиш хоноғамиз,— деди амма кесатиб.

— Аммажон, анов кун хизматкор билан «Сехр»га эгар-жабдуқ олиш учун бозорга борсак, у ерда Саид Мутиндинни учратиб қолдик. У оқ эшакка миниб олиб, қўлини абодан мана бундай қилиб чиқариб...— Хусрав қўлини Саидга тақлид қилгандек чўзди ва ўша оқ эшак устида ўтиргандек, стулдан бир-икки марта ярим туриб утирди-да, сўзида давом этди.— Ҳамма ўтган-кетганлар унинг қўлини ўпишарди. Мен ҳам хизматкоримиз билан қўлини ўпдик. Менинг учун, буйим паст эмасми, атай қўлини пастроқққа туширди.

Бог эшиги тақиллади. Зарининг юраги ҳаприқиб кетди. «Яна ҳоким уйидан зиракларини юборишган бўлсалар-а? Ҳали жуда эрта-ку?» Энди кун чиқиб, офтоб айвонга тушган эди. Ғулом яланг кўйлак ва иштонда богнинг этагидаги ошхонадан чиқди. У одатдагидек калбошини яшириш учун намат қалпоқ кийиб олганди. Бориб эшикни очди. Абулқосимхон шамшоддек бўлиб кириб келди. «Эртароқ юборишса бўлмасмикин, айтинг-айтинг Юсуф уйғониб қолган бўлмасин... Жуда лақмасан-да, ўзинг ҳам! Ўзингни билмаганга солиб турганинг яхши-ку»— деди Зари ўзига-ўзи ва катта хонага қайтиб келиб, кутиб ўтирди.

— Хизирни йўқласак бўларкан, ҳозиргина сени эслаб ўтиргандик,— деди Фотимахоним хонога уйга кириши билан.

— Балки югуриб юришидан депутат бўладиганга ўхшайди, деяётгандирсизлар. Бўламан ҳам. Полковник ва консул билан учрашиб қўйдим. Ҳоким ҳам ваъдасига вафо қиладиган одам. Фақат Саидгина тўқимини қорнига тушириб олган. Бир кун, қарасанг минбарга чиқиб, мени кўкларга кўтариб мақтайди, эртасига келиб, кечаги айтган бутун сўзларидан қайтади,— деди Абулқосимхон кўзларини юмиб.

— Қанду чой кор қилмабди-да!— деди Фотимахоним киноя аралаш.

— Опажон, эсинг жойидами ўзи, қанақа қанд, қанақа чой?— деди Абулқосимхон баланд овоз билан ва Хусрав томонга имлаб қўйди.

— Ҳаммаларингга она бўламан-а? Сизларнинг дал-

лолларингиз бўлишга ҳаққим ҳам бор. Тўғри йўл танла-
мадинг сен. Хусрав бўлса бегона эмас,— деди амма
этиги билан.

— Демак, севган уканг Юсуфнинг йўли тўғри экан-
ди?— деди хонога кўзлари юмилиб ғазаб билан.— Бир
томондан ҳукуматдан қанд, шакар ва матога талон
олади, иккинчи томондан, уларни ўз деҳқонларига бера-
ди, шу тўғрими? Эй каллаварам, бундан сенга нима
фойда? Қачон қишлоққа бормасин, қишлоқиларга дори-
дармон олиб бориб беради. Бутун дунёда борки дори-
дармонларни шу қишлоқилар бошидан қуйсанг ҳам ту-
залиб кетишса, худо урсин мени!

Хусрав ўрнидан туриб хайрлашди.

— Ўзи қаерда?— сўради хонога.

— Уйғонди, ҳозир олдингизга келади,— деб жавоб
берди Зари янги чой дамлаб.

— Ухлагани ухлаган, уйқудан бош кўтармайди.
Қишлоққа борса ҳам ё ухлайди, ё бўлмаса пашшахона-
га кириб китоб ўқийди. Юравериб, оёқдан қолдим, афти-
башшарам офтобдан қуришиб, унниқиб кетди-ку, у киши
дўшпилари чамбарак, мазза қилиб юринтилар. Азизим,
деҳқон деган хўжайиндан қўрқиши керак. Худди фил-
бонга ўхшаб деҳқонларни миниб олиш, савалаб туриш
ложим. «Деҳқонларнинг оғзиларини тикиб қўйиш ке-
рак»,— деб кексаларимиз тўғри айтишган. На кузги ва
на лалми экин-тикиндан хабар олмайди. Икки кўзи
осмонда. Ёмғир ёғмаса аза тутади, ўзига эмас, деҳқон-
ларни уларнинг мол-қўйларига. Унга насиҳат қил-
санг— «аз-заръэ лиз-зоръэ ва лав кона ғосибан»¹ деб
жавоб қайтаради.

— Савоб иш бу, у бу дунёни сотиб олиш улдасидан
чиқолмаган бўлса ҳам, лоақал охиратини таъминлаб
олади. Қолаверса, хонога, унинг ишлари билан сенинг
нима ишинг бор? Сенинг мол-дунёингни уларга бераёт-
гани йўқ-ку,— деди амма.

Боғдан «Сеҳр»нинг кишнаши эшитилди. Хусравнинг
мактабга кетишдан олдин албатта отхонага кириб ўти-
шини Зари биларди. «Сеҳр»ни боғга олиб чиқар ва
қўйиб юборарди. Хонога кишнаш товушини эшитиб,
дераза олдига келди.

¹ «Экин-тикин эккашники, агар у босқинчи бўлса ҳам».

— Қаранг, жуда дироили бўлиб кетибди я, жонивор худди тиллага ўхшаб ялтирайди! Ўтлар устида думбалоқ ошяпти, ана, қара, яна ўрнидан турди. Кўзлари бири-биридан узоқда жойлашган, пешонаси кенг, қулоқлари чимирилган, ёллари тикка, думини хода қилиб олган, худди онасига ўхшаб гердайиб турибди,— деди у боққа қараб.

«Сеҳр» шодлиги ичига сиғмай, яна кишнади. Абулқосимхон қайтиб келиб ўрнига ўтирди.

— Худога шукур, бу уйнинг ҳам бирор нарсаси сенга ёқаркан, тирноқ ичидан кир тополмадинг,— деди Фотимахоним.

— Ҳамма иши ишқивозлик. Қим шундай замонда от боқаркан? Бир эмас отхонада учта оти бор-а! «Тўриқ бияни ўзим минаман, жийронни хизматкоримга бераман, тўриқнинг тойчоғи Хусравники»,— Юсуфга тақлид қилиб тиржайди хонога.

Шу пайт Юсуф нозик матодан тикилган абосини елкасига ташлаб хонага кириб келди. Салом бергач, таажжуб билан акасига қаради, сўнгра опасига кўзи тушди. Тушунмагандек Зарига қараб қўйди. Зари бош ирғади.

— Хусрав кетдими?

— Ҳа, кетган.

— Мино билан Маржон қаёқда?

— Улар Сакинанинг нон ёпишини томоша қилишга кетишди. Бидиллашиб жонига тегаётгандирлар,— деди амма.

— Худо кўрсатмасин, бирор нарса бўлдим? — сўради Юсуф, ўтиргач хоногадан.

Абулқосимхон индамай чўнтагидан бир китобча олиб, стол устига қўйди.

— Мана шу қуръонга қасам ичиб, бугуноқ бориб, «маза-бемаза гапларни гапирмайман», деб ваъда бераман,— деди у кўзларини юмиб олиб. — Майли, уларга гаплагани сотмасанг сотмай қўя қол. «Сотмайман» деб айтишининг ҳожати ҳам йўқ, қуруқ аравани олиб қочавер. Ўзинг бир неча кундан сўнг Гармсирга боришинг керак, шундай эмасми? — «Хирмон кўтариш билан, бош устига, бераман» — десаи бўлди. Эртага нима гап, худо билади. Агар енгилиб қолишса-ку, унда «сичқоннинг ини минг танга» бўлиб қочиб қолишади. Эшитдингми, Гитлер шундай бир бомба ўйлаб чиқарибдики,

дунёни кунфаякун қилиб гашларминш... Кел, қасам ича қол...

— Кечга томон бормайман, деб айтганим йўқ-ку сизга, қасам ичишининг ҳам ҳожати йўқ. Лекин уларни алдаш масаласига келсак, мен тўғри одамман, бошимга қилич келса ҳам ёлғон гапирмайман, — деб жавоб қайтарди. Юсуф, «уф» тортиб.

— Мен учун... шу вақтгача айтмагандим, энди айтаман: Раҳматли ҳожноғам сенинг ўқишингга озмунча пул кеткиздими, лекин менга бир тийин ҳам сарф қилмаган. Мол-мулкни бўлишда ҳам иккаламизга баробар теғди... Мен индамадим. Фотимахонимнинг қизлик маҳри ҳам сенга насиб қилди. Ҳозир энди шундай бўлиб қолгандан кейин, сизлар ҳам менга лоақал ёрдам беришга, мен ҳам бу дунёда қаддимни ростлаб юрай, «Нега бегоналардан мен этай дод, ки ҳар не жабр келса ошнодан!»¹ Ҳайҳот, ҳайҳот...

Фотимахоним гапга аралашди:

— Хоноға, мен сенга айтсам на ўша орқаси ерга тегиб қолган европаликлару на ўзимиздан чиққан янги замон сатангларининг ота-бобонгга ўтказиб қўйган жойлари йўқ... Марҳум Ҳожноғам умрининг охиригача бошидан салласини олмабди-я, умр бўйи остона хатлаб кўчага чиқмабди. Ҳалиги мажлисда... оти ёдимдан кўтарилибди... отинг бошининг егур... мўлжаллаб қўйилган одамга овоз бермаган экан. Хулқ-атвори худди ўзига ўхшаган бўлгани учун ҳам Юсуф дадамнинг арзандаси бўлган-да!

Хоноға ғазабдан қичқириб юборди:

— Ҳой, менга қара, энди сен бормидинг менга ёпишмаган. Агар отамизнинг тариқдай ақли бўлганида ҳозир биз давлатга ботиб ётган бўлардик. Бутун пулларини ўша фоҳиша раққоса Судоба ҳиндига сарф қилди. Она шўрлик бўлса мусофир юртларда ич-этини еб ўлиб кетди. Отамизнинг эси бўлганда сени ўша ақли калта Мирна доканинг ўғлига эрга берармиди? Оқибати нима бўлди? Эринг атайлаб бошини болта тагига қўйди, сен эса... уйида чўрилиқ қилишга...

— Хоноға, аммамиз ҳаммамиздан катталар, шунинг учун нима десалар ҳам ўринли. Агар аммам бўлмаган...

¹ Ҳофиз газалидан байт.

ларида битта ўзим шундай боғни эплай олармидим? Унинг устига у киши меҳмон ҳам эмаслар, — деди Зари хоноғанинг гапини бўлиб.

— Биламан, ўз ошларини ичиб, ўзгаларнинг халиминини ковлайдилар, — деб ўрнидан турди-да, бирдан ҳайратда қолар даражада мулойимлик билан қўшиб қўйди хоноға: — Эрталабдан туриб шундай азиз кунда хайру эҳсон ва бу ердан ўтганларнинг ҳақиға дуо қилиш уриниға, ўлганларни гўрда қақшатмоқчи эмасдим. Шундай гап айланиб қолди! Опа, қўй кўнглинға олма!

Зари хоноғани кузатиб қўйиш учун ака-укалар билан боғ томон ўтди. «Сеҳр» ўтлаётганди. Бегона ҳидни сездимиз ўтлашдан тўхтаб, бошини кўтарди. Унинг пушти ранг бурни титради. Хоноға тойнинг олдиға борган эди, «Сеҳр» бир қадам тисланиб кишнади. Онаси отхонадан кишнаб жавоб берди. Юсуф олдиға бориши билан тойчоқ унинг абосини ялай бошлади, сўнгра бошини кўтариб сўлиш олди-да, таниш ҳидни сезиб исканди. Юсуф унинг ёлларини ва гарданини силади. Эру хотин Абулқосимхонни кузатиб қайтиб келаётганларида «Сеҳр» боғнинг у бошидан бу бошиға шаталоқ отиб югураётганди.

— Зари, қара, капалакларнинг орқасидан қувламоқда.

«Сеҳр» иссиқлаб кетди шекилли, ҳали офтоб тушмаган майсалар устида бир неча бор дўмбалоқ ошиб, ўрнидан тура сарғиш жигар ранг капалакка ҳужум бошлади.

Айвонға етиб келишгач, Юсуф тўхтаб боғға назар ташлади:

— Шаҳринг жуда чиройли бўлиб кетибди. Афсус, яна ёз яқинлашмоқда, на сенға қарай оламан ва на шаҳрингға.

— Менинг шаҳрим?

— Ўтган кеча «менинг уйим—менинг шаҳрим» деб айтмабмидинг?

— Ҳа, шундай, бу менинг шаҳрим, — Зари кулиб жавоб берди. — Унинг ҳар бир қаричини севаман, орқадаги тепалик, иморатнинг атрофидаги айвонлар, гишт деворчанинг икки томонида оқаётган ариқлар, боғ этагидаги икки қайрағоч, ўз қўлларинг билан экиб яшнатган норинж боғи, ўзинг ҳар шохини ҳар йили пайванд қиладиган «етти мевалик» дарахт, шарбатсоз қўш-

нимиз, унинг гуллари, сабзалари, номларининг ўзидан
инсонни хушҳол қиладиган гуллар, ўт-ўланлар... миср
толи, цитрон, қорақайин, торуна, наъматак ва ҳаммадан
ҳам норинж гули ва уларнинг богимиз томон анқийди-
ган ҳиллари, уйимизни ўз уйи қилиб олган чумчуқлар,
чугурчуқлар ва қарғалар — бари менинг учун азиз ва
қимматлидир. Лекин чумчуқлар бир оз гашимни
келтиради. Чунки дераза тепасига ё дарахтлар
бутоғига ни қўйишиб, тухумлари дамбадам ерга
тўшиб парчин-парчин бўлади, қўйингчи улар ис-
қирт.

— Овозинг нақадар сеҳрли, одамни аллалайди... да-
вом эт, гапиравер! — деди Юсуф жилмайиб.

— Яна нима ҳақида гапирай: шаҳар одамлари тўғ-
рисидами? Ё сен ҳақингда, болаларимиз, аммамиз, қўш-
ниларимиз тўғрисидами?

— Ҳожи Муҳаммад Ризо бўёқчи тўғрисиди, — деб
қўшиб қўйди Юсуф кулиб.

— Ҳожи Муҳаммад Ризо ва унинг кўчада ёғочларга
илиб офтобда қуритадиган матолари ва тирсагигача
биннафша рангга бўялган қўллари ҳақидами, ё бўлмаса
хизматкоримиз, Ҳусанога аттор, гузаримиздаги Ҳасан-
ога аллоф тўғрисидами? Ё Хадича... бўлди-е, қиладиган
нишларим қолиб кетди.

Узоқдан эшаклар бўйнига осилган қўнғироқчалар
товуши эшитилди.

— Қўшнимиз ўз «шаҳри»га норинж гуллари олиб
келди. Ҳиди бутун оламни тутиб кетди-я! — деди
Юсуф.

Зари ботиниб боролмади. Эшакларни қўшнининг
боғига киритиб, хушбўй юкларни боғ ўртасидаги супа
ўстига келтириб тўкишгунча қараб турди. Куни кеча
ўрталаб эгизакларни тўп-тўп бўлиб очилган норинж
дарахтларининг гуллари олдига олиб борган эди, Мино:
«Вой, худойим, шунча ҳам юлдузчалар бўларкан!» деб
чапак чалиб юборганди. Маржон бўлса бошини гуллар
ўстига қўйиб: «Шу ерда ухлагим келяпти» деб айт-
ганди. Шарбатсоз чол ва унинг уч ўғли хатти-ҳарака-
тини Зари синчиклаб кузатиб турарди: чол норинж гул-
лари рўпарасида чўкка тушиб саватларни бирин-кетин
тўлдириб берар, ўғиллари саватларни бошларига қўйиб,
кўчатзорга олиб кетардилар. Чол, Маржонга «Наргиси»,
Минога эса «Норанжи» деб исм қўйиб олганди. Зари

сабабини билмасди. Чол иши тамом бўлагач, «Наргис» ва «Норанжи»лар учун бир дона олма ва тўртта ингичка чўпдан чархпалак ясаб ариқ устига қўйди. Болалар унинг айланишидан ва тўё дунёда энг катта чархпалакка эга бўлгандек хурсандликларидан ичларига сиғмай кетгандилар. «Нима учун бу чол, йигит бўлиб қолган ўғилларини уйлантирмайди?.. Балки, иши фақат гуллар билан боғлиқ бўлган одамларга хотин керак бўлмас?» деб кўнглидан ўтказди Зари.

УЧИНЧИ БОБ

Дастурхон йигилгач, Зари эрига чилим келтирди. Овқат устида бетоқат кўринган Хусрав энди ўзини қўйгани жой тополмас, кўзларида гилтиллаб турган ёш тўкилиб кетмасликка ҳаракат қилаётгандек. Зари эгизакларни ётқазиб, чилимни олиб кетгани қайтиб келганда, Хусрав хонанинг у бошидан бу бошига маюс қадам ташларди. Отаси унга қараб сўради:

— Намунча безовта бўлмасанг?

— Қўрқиб кетмасин деяпман-да, — гамгин жавоб қайтарди Хусрав.

— Фақат шунгами?

— Ҳар сафар тақачи келганда, ўзим бориб оёғини кўтариб турардим, — деди Хусрав отасининг ёнига ўтириб. — Авваллари қўрқиб, ҳуркиб кетарди, айниқса, тақачи туёғига миҳ қоқаётган пайтда. Тўғри, биринчи кунларда эҳтиётлик билан тақаларди, лекин кеча жуда қаттиқ уриб юборди.

— Кел, келишайлик, тақачи тақалаётганда бугун ўзим оёқларини ушлаб турай. Биласан-ку, тугилаётганда ўзим бошида турганман, — деб ўғлини юнатгандай бўлди Юсуф. Сўнг энди ўтирган Зарига қараб деди: — Чилимни олдингга қўйиб олибсан, чекиб кўрмоқчи сан, шекилли!

Зари бир тортганди, ўхчиг келиб, чилимни пари суриб қўйди.

— Дадажон, рухсат берсангиз, мен ҳам томоша қилсам.

— Албатта, тугилаётган пайтда ҳам тепасида турганинг.

— Ҳа, ҳа, эсимда: «Сеҳр» дарров оёққа туриб олганди. Опаesi бўлса киндигини тиши билан узиб, боласини

ялаб-ялаб ҳидлай бошлаганди. Сиз «Сеҳр» шамоллаб қолишидан қўрқиб абойингизни ечиб, тойчоғимизнинг устига ташлагандингиз, кейин Ғулом одаял олиб келгунча сиз унинг баданини силаб тургандингиз, — деб шониниб жавоб берди Хусрав. — Ҳозир шайтоннинг ўзи бўлган: онасини тишлаб олиб, кейин ўзи пушаймон бўлгандек, уни ялашга тушади, — деб кулиб қўшиб қўйди у. — Дадажон нега мен «Сеҳр»ни шунчалик яхши кўраман-а? Нуқул у тўғрисида гапиргим келарди. Синфда ўтирганимда ҳам нуқул қўнғироқ чалинишини сабрсизлик билан кутиб ўтираман, тезроқ уйга борсамда, «Сеҳр» билан ўйнасам дейман.

— Яхши кўриш айб эмас, ўнгилгинам, — деди отаси, — муҳаббат инсон қалбига нур бахш этади. Лекин ғазаб, кўролмаслик, нафрат инсон қалбини қора қилади. Агар ҳозирдан қалбнинг севишга ўрганса, катта бўлганингда ҳам бу дунёнинг энг гўзал ва энг яхши нарсаларига меҳр қўядиган бўласан. Инсон қалби ғунчаларга тўла боғчадир. Агар ғунчаларни меҳр билан парвартиласанг, очилиб яйрашади. Агар ҳар томонга заҳар сочсанг, ғунчалар сўлиб қолади. Киши нафрат ва адолат учун эмас, яхшилик ва гўзаллик учун яратилганини, нафрат ва адоват қабоҳат ва инсофсизлик келтиришни билиши керак. Лекин нафрат поклик ва адолатга бўлган муҳаббатнинг аломати ҳам бўлиши мумкин.

— Дадажон, яна сиз одам тушунмайдиган гапларни гапиряпсиз, — деди фикрга чўмиб ўгли.

— Нима деганимни тушунмадингми, ҳали?

— Нима учун, ман... ман... тушундим. «Сеҳр»ни яхши кўриш айб эмас демоқчисиз... сўнгра ғунчаларни сугоритишим керак экан...

— Сен «ман-ман» дегунингча, санаб турдим, мана бу тешикка бир юз ўттизта қумурсқа кириб кетди, — деди Зари кулиб юбориб. — Менимча, ҳозир сен хонамакининг уйига, Ҳўрмузнинг олдига борганинг маъқул, «Сеҳр»ни тақалаганларидан кейин қайтиб келарсан, — деди у Хусравга ўгирилиб.

— Йўқ, Зари. «Сеҳр» оёғига кавуш кийишни учун бир неча миҳга чидаб туриши лозимлигини Хусрав билиши керак. Чунки бу дунёда ҳали кўп машаққат, дарду гамлар...

— Дадажон, жуда оғритадими?

— Йўғ-э энг муҳими — чиндам ва матонат. Бир неча лаҳза тўполон қилмай жим туришга ўргатдик-ку... Бўлмаса бошқа отлар...

— Ҳов апови, сиз айтган яйловдаги отларнинг жиловлари, тақалари йўқ эди-а... — деди Хусрав отасининг гапини яна бўлиб.

— Табиий, уларда бўлмайди.

— Ўзи нима бўлганди? — сўради Зари.

— Едимдан кўтарилибди.

— Эсингиздан чиқибди-да, — деди Хусрав ўрнидан туриб. — «Сеҳр» туғилган кеча ҳикоя қилиб бергандингиз-ку. Шундан сўнг Ғулом билан йилқилар туғрисида кўп гаплашгандик. Биласизми, Ғулом нима деганди: «Даданг сен йиғламагин деб, буларни ҳаммасини ўйлаб чиқарган».

— Айтиб бера қол, — деди Зари кулгисини тўхтатиб.

— Дадажон, мен айтиб бера қолай... Дадам элатлар яйловида меҳмон бўлганларида, ҳаво очиқ, осмон тўла юлдузли ойдин кечада дадам билан ўшалар овга чиқишибди. Тўсатдан жуда-жуда кенг даштда бир тўда ёввойи отларни кўриб қолишибди. Отлар мана бундай туришганмиш. Айғирлари катта доира қуришиб, орқаларини доиранинг ўртасига, юзларини эса даштга қаратиб олишганмиш. Бия бўлса ўша доиранинг ўртасида айғирлар панасида туғмоқчи бўлиб турганмиш, айғирлар қарашга уялишармиш. Чунки ким туғадиган бўлса боласи жуда-жуда ёмон жойидан чиқармиш-да! Дадам ва ҳалиги кишилар отларга яқин боришмабди. Уларнинг бирдан ҳамла қилиб қолишларидан чўчишибди. Отлар бияни хотиржам қилиш учун уни ўраб олишганмиш, бўлмаса бия ётсирармиш. Ахир бирор йиртқич тойчоғига ҳамла қилиши мумкин экан-да. Ҳа, эсимдан чиқибди. Бир тажрибали бия доя бўлиб, дарди тутаетган биянинг олдида турармиш...

— Мен сенга «бола жуда ёмон жойдан»... дедимми?

— Пуқ, дадажон, унсини Ғулом айганди.

Шу вақт Ғулом доим кийиб юрадиган наमत қалпогида кириб келди.

— Тақачи келдимиз? — сўради Хусрав.

— Хотини келди, иситмаси чиқиб ётиб қолибди, — деди Ғулом Хусравга.

Кечки пайт Ғулом икки нафар табаққашни¹ ўзи билан бошлаб келди. Иморатнинг рўпарасидаги ҳовуз лабида қалами дастурхонга ўргалган уй нони ва хурмо солинган икки мис баркаш табаққашларни кутмоқда эди.

Чодира ёпишиб олган аммахоним баркашларнинг бири ёнида ўтирарди. Ҳожини Муҳаммадризо бўёқчи боғанинги олдида кутар, Ҳусанога аттор эса ичкари кириб норинжзордаги норинж гуллариини томоша қилиш билан машғул эди.

Зарин бир ҳафта зиндонга борса, иккинчи ҳафтаси жиннинхонага борарди. Ўзи боролмай қолса, савоблик учун бориб келадиган киши чиқиб турарди. Шундай киши топилмай қолган тақдирда, зарурат туғилганда дарҳол ёрдамга қўшнилари Ҳусанога билан Муҳаммадризо етиб келишарди.

Зарин чўриси Хадича ва аммахоним билан нонларнинг орасига хурмо қўйишиб бўлиб, пардоз столи олди-га келиб, пардоз-андоз билан машғул бўлди.

У ётоқхона деразасидан боғда нималар бўлаётганини бемалол кўриб турарди. Аммаси табаққашларнинг бириндан сўради:

— Қанча оласан?

— Қаерга олиб бориш керак?

— Қаримхон аркига, қамоқхонага.

— Худо умрингга барака берсин, менга пул керакмас, уй нонидан берсанг бўлди.

— Мен қаерга боришим керак, — сўради иккинчи табаққаш.

— Сен эса жиннинхонага.

— Бўлмаса, менга ҳам нон берасан.

Зарин юзига сурилган упанни едириб айвонга чиқди.

— Келин, булар пул ўрнига нон сўрашяпти, — деди аммахоним.

— Майли, — деди Зарин, сўнгра Ғуломга қараб, — ҳар бирига унтадан нон бер, — деб қўшиб қўйди.

— Менингни борадиган жойим узоқроқ. Ҳа, майли унинг хотини касал, «ажнабий қўшнилар» деб аталадиган касалликка йўлиққанмиш, чала туғилган болани вакилнинг ҳовузига ташлаб юборибди, — деди биринчи табаққаш.

— Худо, ўзинг асрагин-да! — деди амма.

¹ Озиқ - овқаттанувчи ҳаммол.

— Ўзлари кам эди, энди бошимизга бу дардлари ҳам бало бўлди, — деди Хусанова гапга аралашиб.

— Сизлар жума оқшомлари зиндон ва жиннихонадагиларга хайр-аҳсон олиб борасизлару ёнларингизда юрган бизга ўхшаш бева-бечораларга бир бурда нон ҳам бермайсизлар, — деди биринчи табаққаш.

— Майли, худо ўзи меҳрибон, бизга ҳам атаб қўйгани бордир, — деди иккинчи табаққаш.

Ўғлом баркашларни олиб келди. Иккала табаққаш чамбарак қилиб ўралган белбоғларини ёйиб, нонларини биттама-битта унга ўрашди-да, белларига боғлаб олишди. Натижада қоринлари қаппайиб кетди.

— Энди бошларингга нима қўясизлар? — сўради Зари.

— Шундай қилмасак, нонларни олиб қочиб кетишадди. Қаранг, уй нонлари-я, худди атиргул япроқларига ўхшаш юпқагина, ҳиди одамни беҳуш қилиб қўяди-я! Баркашларни дастурхонга ўраб туғри қиласизлар, — деб жавоб берди биринчи табаққаш.

— Извошкада борасизлар, бир-икки қадам йўл, нонларингизни ким тортиб кетарди, — деди Зари.

— Ие, хоним бу шаҳарга биринчи келишларими, дейман? — деди биринчи табаққаш киноя қилиб.

— Бор, хўжайин билан Хусравнинг белбоғларини Хадичадан олиб, буларга бер — чамбарак қилиб олишсин, қуруқ каллага сават қўйиб бўларканми? — деди Зари Ўғломга.

Боғ олдида машина келиб тўхтаб, сигнал товуши эшитилди. Бир неча дақиқадан сўнг Абулқосимхон ўғли Хўрмуз билан кириб келишди. Зари ичида: «Оббо худо ўрди, ҳали кийиниб бўлганим йўқ эди-ку», — деб ичкарига югуриб кириб келди. Уйда киядиган кийимларини шошилинич ечиб ташлаб, жун кофта билан юбкасини кийди-да, туфлиларини қидиришга тушди. Хонотанинг «Ҳай, ҳали ҳам имирслаб юрибсизларми?» деган товуши эшитилди. Сўнг «кўп ҳам шошма, биринчи марта назирнинг ўзи олиб бораётгани йўқ, ўша ҳам сени деб...» деган амманинг товуши келди.

— Йўл узоқ... соат бешда ўша ерда бўлишимиз керак, — деди яна хонотга.

— Сайинд Абулвафoning олдида эмасми ўзи? — сўради амма.

— Йўқ, она, бир тош юқорироқ.

— Кел, сен ҳам бир савоб иш қилиб қўйгин, булар ҳам худонинг бандалари-ку, улар тайёр бўлишгунча бизни машинангда элтиб қўй.

— Нима, чилиминг ўчиб қоляптими, опа?

«Ҳозир опа-ука ит-мушук бўлишади»,— деб кўнглидан ўтказди Зари сочларини тарар экан.

— Аммажон, истасангиз мен борай... авахтадагилар билан гаплашишни яхши кўраман, сиз билан уч марта борганмиз-а, Ҳусаноға? — деди Ҳўрмуз гапга аралашиб.

Хоноғанинг жаҳл билан «бекорларни айтибсан» деган овози келди. Кейин айвонга яқин келиб сўради:

— Келин, ойна олдида узоқ туриб қолдинг, укам қани, Хусрав қани?

Зари индамади, қулоғи аммада эди:

— Қани кетдик, баркашни бошига қўйишиб юборинг, Ҳусаноға!

— Ё оллоҳ, ўзинг мадад бергайсан, — деган табақ-кашлардан бирининг овози эшитилди.

* * *

Сержант Зингернинг ўзи уларни кутиб олди, биргалашиб экинзорларни ёқалаб кетишди. Зари иссиқлаб кетди, лекин кечқурун салқин бўлишини биларди. У билан хоноға олдинда, кетларида Юсуф билан Зингер, энг кейинда эса Хусрав билан Ҳўрмуз келишарди. Улар бир қарич чанг босган ва аскарларга ўхшаб қатор терилиб турган барг-карамлар, сўлиб қолган бодринг, бақлажон, помидор, қовун палаклари ёйиб қўйилган даладан ўтишди.

— Суғориш керак, — деди хоноға.

Экинзорларнинг чап тарафига аскарлар ва офицерлар чодир тикишган, уларнинг атрофида қатор қўйилган ё алоҳида турган ҳарбий ва юк автомашиналари кўзга ташланади. Зарининг қулоғига аввал Юсуфнинг «Мастлигимиз оширмас шунча бодалар...» дегани, кейин сержант Зингернинг «Бунинг маъноси нима?» деб сўрагани чалинди. Хоноға тўхтаб уларга қаради, Зари ҳам тўхташга мажбур бўлди.

— Жаноб олийларининг саодатли ҳузурларига ботириб айтишим керакки, — деди Абулқосимхон кўзларини юмиб сержант Зингерга, — бир рюмка виски бўлса, қойил

ниш бўларди, лекин одам бир рюмка билан маст бўлмайди, демоқчи укам, — деб Юсуфни олдинга ўтказиб юбориб, ўзи Зингер билан йўлда давом этди.

Меҳмонларни бош қўмондоннинг катта чодирни томон йўлладилар. Хонога шошираверганидан улар вақтли етиб келгандилар. Чодир ичида докторхоним ва шотландиялик бир офицер билан кўришишди. Четроқда, стол устида Эроннинг картаси ёзилганди. Докторхоним у ёқдан-бу ёққа юриб, қоғозга қараб, бир нарсани ёдлаётганига ўхшарди. Зарн картага назар ташлади. Унда шу қадар ҳар хил ранго-ранг аломатлар кўришардики, одам бу аломатларни тушунса ҳам барибир боши айланиб кетиши ҳеч гап эмасди. Юсуф карта тепасига келди, хонога ҳам безовталаниб унинг кетидан борди.

— Дабдала қилишибди, Эронни — деди Юсуф. Хонога унинг қўлини туртиб қўйди. Шу пайт бир ҳинд сарбози патнис тўла шарбат ва турли ичимликлар билан кириб келди. Зингер унга патнисни карта ёзилган столга қўйиб кетишни буюрди.

— Сеники кечки овқатга, кел... — деди у Юсуфга. Ҳар учалалари қўлларига қадаҳ олишди.

— Эроннинг саломатлиги учун, — деди Зингер қадаҳни кўтариб, — Қили Франциядан кўп каттароқ, Техрон... В-Вишидан¹ катта...

— Лекин, бахтга қарши биз уришмадик, — деди Юсуф кўзини картадан олиб.

Хонога кўзларини юмиб гап қўшди:

— Мен сизга айтсам, Вишининг маъдан сувлари ҳазми таом учун...

— Нимага бахтга қарши деярдинг? — Зингер унинг сўзларини бўлиб, Юсуфга мурожаат қилди.

— Чунки ғалаба ёки мағрурона мағлубият мазасини татиб кўриш ўрнига, унинг аччиқ мевасини емоқдамиз.

— Қўлидан келса, уруш... тапдим, тапдим, «мажақлаш» сўзи, усти ёпиқ эди, йиртиб қарасак ичида «қон» йўқ экан, «қон» ўрнига похол тўлдириб қўйилган экансан, — деди Зингер қўрслик билан.

— Азизим Зингер, — деди Юсуф ихтиёрсиз кулиб ва қўлини унинг елкасига қўйиб — ичида қонни йўқлигини ўзингиз яхши билардингиз, ишнинг бемаза, қабиҳлиги ҳам шунда эди-да! Агар жанг майдонида енгиладиган

¹ Франция фанисглари қароргоҳи.

бўлсак, бу мағрурона мағлубиятга учраш бўлар эди. Ҳамма гап ҳатто шунинг учун ҳам урушниш кераклигини билмаганимиз-да!

— Бррр... аста-аста гапир, тушунолмай қоляпман,— деди Зингер «шошма-шошма» дегандек қўлини пахса қилиб.

— Э-э, қўйсаларинг-чи, ўтган ишга қайтган бекор, синган кўзани айтган бекор,— деди хоноға кўзларини юмиб.

— Сен шеър ўқиш қилгансан, ҳаёлимни бузгансан,— деди Зингер газабланиб.

Инглиз ва шотландиялик бошқа офицерлар, бир ҳинд офицери билан Макмаҳун чодирга кириб келишди. Ҳўрмуз: «Агар Футуҳий жаноблари биз билан бирга бўлганларида, амаким томон ишора қилиб, «Эркак деган маъна шундай бўлиши керак, бизни Жалолиддин Менг бурнийси билан ўлдирди», дерди. Амакимни кўрганда борми...» деб Зарининг қулоғига шивирлади.

Лекин Зарининг икки қулоғи Зингерда эди. Зингер Абулқосимхоннинг билагидан ушлаб: «Укангизга айтиб қўйсангиз бўлмайдами, худо сизларга шунча неъмат беради, бизга ҳам беринг, бу неъмат ҳамманики, инсониятники. Сизга кўплик қилади, керак эмас...» деди.

— Худди эзма кампирининг ўзи,— деди Юсуф кулимсираб. Зингер донг қотиб қолди. Юзи ва бўйинлари илгаригидан ҳам қизариб кетди.

— Сизники билмайди, сизга керакмас, бизники олган, керак бўлган одамларга етказган,— деди Зингер рюмкасини карта устига қўйиб. Сўнг тўсатдан яна дўстона қиёфага кириб, «саломат бўлайлик»,— деб қадаҳини кўтарди.

Ҳоким ғилай полковник билан олдида, янги куёв-келин ва Гилонтож уларнинг кетида, чодирга кириб келишди. Офицерлар ғоз қотишди. Ҳоким ҳаммага бош иргитди. Қўшин бошлиғи, шаҳар газеталари редакторлари, турли идоралар бошлиқлари ва бошқалар биринкетин хотинлари билан йиғилишди. Чодир ичи шовқин-суронга тўлди. Хотин-халажлар атр-упаларининг иси оёқ, спирт ва тер ҳидлари билан аралашиб кетди. Энди уч ҳинди сарбози хизматда эдилар. Зарр Хусрав билан Ҳўрмузни имлаб чақирди-да, биргалашиб Гилонтож томон юришди. Зарр уятни йиғиштириб қўйиб, унга атракларини эслатиб қўйишга қарор қилганди. Зарр Хусрав билан Ҳўрмузни Гилонтожга таништирди. Қиз

қўлини узатиб, жилмайиб қўйганди икки юзида кулдир-гичлар пайдо бўлди. Келинчак бошида соябони кенг лохол шляпа ва кўзнда яшил ранг кўзойнак билан уларнинг олдига келди.

— Зарижон, туҳфангиз учун бир дунё миннатдорман, сиздан хотира учун ҳамиша уни авайлаб тақиб юраман,— деди келинчак.

Зари унинг сўзларидан ҳайратда қолди: «Қачондан бери ҳоким қизи мен билан бунчалик яқин бўлиб қолибди? Шерозга келганларидан бери уни ҳаммаси бўлиб уч мартадан ортиқ кўрмаганди, майли тўрт марта, майли никоҳ кечаси билан беш марта бўлсин. Нима учун туҳфа бўлар экан, вақтинчаликка сўрашганди-ку? Ана сингилу — мана сингил!» демоқчи бўлди, лекин сўзлари тилида қолди. «Бефаросат кишининг жазоси шу», деб ўзидан койинди.

— Зарижон, шундай ўғилларинг борлигини билмас эканман,— деди келинчак Ҳўрмуз ва Хусравга ишорат қилиб. — Ҳали жуда ёш ва гўзал кўринадан. Қўй-э, укаларим дегин, ўғилларим дема!

— Кўзойнакли Ҳўрмуз амакимнинг ўғли,— деб ҳозир-жавоблик қилди Хусрав.

Ҳўрмузнинг лавлагиси чиқиб, кўзойнагини кўзидан олди. Зари Ҳўрмузнинг ойнаксиз ҳеч нарса кўролмаслигини биларди. Шунинг учун бошлаб ўғлининг таъзири-ни бермоқчи бўлди. Нима қиларкан уни «кўзойнакли Ҳўрмуз», «тарихий Ҳўрмуз» деб калака қилиб. Ўз амакисининг ўғлини-я! Яна мана бунақа ҳоким қизларига ўхшаш таннозлар олдида? Лекин келин унга навбат бермай бидиллаб кетди:

— Ҳўрмузхон, сиз Абулқосимхоннинг ўғли бўлсангиз керак, танишганимиздан беҳад хурсандман, билмабмиз, бизни авф этгайлар, хижолатда қолдик. Дадангиз жуда ажойиб одам-да, бизни кулдиравериб, ичакларимизни узадилар. Уялманг, ойнагингизни тақиб олинг, мен ҳам кўзойнаклиман, ҳатто қора кўзойнагимнинг ҳам номери бор, кеча оқшом ойнаксиз роса адабимни едим-да!

Шу пайт ногора ва карнай овози келди. Ҳоким олдида, меҳмонлар орқада чодирдан чиқишди. Зарига уни худди қатъиҳод томон олиб кетишгаётгандек туюларди. Улар тақа шаклида стуллар териб қўйилган аскарлар билан тўла майдончага келишди. Кўпчилик стулларни ҳинди сарбозлари эгаллагандилар. Полковник

орқасидан келаётган офицер бир нарса деб буйруқ берди. Аскарлар барабар ўринларидан туриб бир нарса деб қичқирдилар. У ерга тахтадан супа ясаб, устига гилам тўшаб қўйилган экан. Супа атрофида бешта байроқ тикилган бўлиб, Зари улар ичидан фақат биттасини — инглиз байроғини таниди.

Докторхоним супага чиқиб, микрофон олдиға келаётганда супа ёғирлаб кетди. У қўлидаги қоғозга қараб, форсчалаб «хуш келибсизлар» деди. Овози аввал қалтираброқ чиқди, кейин ўзини ўнглаб олди. Унинг сариқ тишлари ботаётган қуёш шуъласида яна ҳам сариқроқ кўринди. Зари унинг сўзларидан қуйидагиларни англаб қолди: «Бу ерга, гулу булбул шаҳрига ўз отпускарларини ўтказиш учун келган шавкатли жанговар фарзандларимизга руҳларини кўтариб, фашизм девини ағдариб, шайтонини жаҳаннамга жўнатиш учун томоша тайёрланган. Биз шайтонга яъни Гитлерга қарши сиз олиб бораётган курашни енгиллатишда кўмак бераётган Эрон биродарларимиз меҳмондўстлигидан миннатдоримиз. Гитлер бир аҳмдирки, уни фақат ўйиб олиб ташлаш керак».

Докторхоним доягина эмас, яхшигина жарроҳ ҳам бўлиб, қўлларида пичоқ ўйнарди. Булардан ташқари у башорат қилар, аёлларга йўл-йўриқ кўрсатарди. Ҳар кеча иккиқат хотинлар, қорни кесилганлар ва уларнинг қариндош-уруғларини йиғиб, текшириб кўрар, фильм кўрсатарди, у ҳам овозсиз фильм эди. Қўлига узун таёқ олиб, «Бу Исо пайғамбар... буниси Марьям алайҳуссалом... бу эса Скорйўт яҳудийси¹», — деб чала-чулпа форсча тушунтириб кетарди-да, сўнг яна ўша бузуқ форс тилида ваъзхонлик қилишга ўтарди. Кўпинча шайтон ва дўзах олови тўғрисида гапирарди. Зари унинг ҳамма кирдикорларининг шоҳиди бўлганди, лекин бунақасини биринчи кўриши эди. «Ростдан ҳам, нима учун бир доя, хирург ва «башорат бергувчи» шундай жойга чиқиб гапираркин? Балки у тилга олган шайтон билан «жанговар фарзандлари»ни дўзахга жўнатадиган шайтоннинг тили бирдир? Унинг устига «жанговар фарзандларининг» кўпчилиги ҳиндилар! Аммо шаҳаримиз одамлари ўша кейинги шайтонни охир замон имоми деб айтишганди-ку, ўз қулоғим билан кўп эшитгандим».

¹ Инжил афсонасига кўра Исо пайғамбарга шогирд бўлиб, кейин уни душманларга сотган шахс.

Макмахун саҳнага чиқди. У пайдо бўлиши билан саҳна чироқлари чарақлаб кетди. Елкасини олди, шилта ташлаб, оёғига қора этик кийиб олган Макмахун аллақайси фильмнинг бош қаҳрамонига ўхшаб кетганди. Зари қанча уринмасин ўша артистнинг номини эслолмади. Лекин, афсус, саҳнада жуда семиз бўлиб кўринарди. Макмахун инглиз тилида қизиқ гапларни гапирар, лекин унинг ҳазилларидан Зари ҳеч нарса тушунамасди. Унинг ҳар икки уч гапидан кейин офицер ва сарбозларнинг қаҳқаҳалари осмону фалакка кўтариларди. Ҳатто ҳоким ва қўшинлар қумондони ҳам гоҳ-гоҳ тиржайиб қўйишарди. Шаҳар газеталари редакторларидан бири ҳаммага қараганда қаттиқроқ куларди. Балки бу кулгилар меҳмонлар кўнгли учун, ё бўлмаса, фашизм девининг жиғига тегиш учун уюштирилгандир? Зари шаҳарда инглиз тилини билиши билан танилганди. Шунга қарамай у Макмахуннинг биронта сўзига тушунамасди. Сўнг Макмахун пағмаю усул билан шеър ўқиб берди. Шеърнинг мазмуни шундай эди: Бир сарбоз бегона юртларда юрганда бир қизни қармоққа илинтирибди ва боплаб лақиллатибди. Қиз гоҳ ботинка, гоҳ шляпа олиб бергин дермиш, пул сўрармиш... Кўнлардан бир кун қиз: «Мен иккиқат бўлиб қолдим, менга уйлан», деса, сарбоз: «Хотин, бола-чақам бор-ку», дебди.

Макмахун бир қўли билан хаёлий бешик тебратгандек бўлади, иккинчи қўлини хаёлий маъшуқасининг бўйнига солиб, форс тилида: «Хотин, бола-чақам бор» деб қўйди. Томошабинлар кулишди, аммо бу сафар секинроқ кулишди.

Сўнгра Макмахун ўзининг «Мустақиллик дарахти» шеърини ўқиб берди: «Шундай дарахт бормишки, томирлари тупроқ ва қондан куч олармиш. Дарахт боғбон пайғамбарларга ўхшаб кетармиш. Боғбон ҳамма дарахтлардан кўра шу дарахтни яхши кўрармиш. Дарахтни сугориш вақтида дарахт «қон, қон керак» деса, бутун ҳамма одамлар дарахт атрофида тўпланишиб, қон томирларини кесишармиш. Дарахтнинг шоҳлари қуюқ бўлиб, ости салқин эмиш. Одамлар унинг тагида ўтириб, гам-гуссаларидан фориг бўлармишлар. Агар мева ва баргларини офтобда қуриштиб, ўғирда туюб, кўзларига суртсалар, ўзларида гурур, умид ва кучларига иншонч ҳосил бўлармиш, дилларидаги қўрқув, умидсиз-

лик, ёвуз ниятлар кетармиш. Хуллас, дарахт ҳаммаларига мардлик ва ботирлик сифатларини бахш этармиш.

Шундан сўнг томоша бошланди. Серсоқол, саллалик, бошдан-оёқ оқ кийинган ҳинди супага чиқиб чордона қуриб ўтирди. Микрофонни пастроққа тушириб най чала бошлади. Зари шу вақтгача пайқамаган тешикдан қопқора хотини бир неча бор бошини чиқариб, тилини кўрсатди. Икки қоши ўртасида қизил холи бор эди. Хотин супага чиқиб ҳинди ёнига ўтирди. Эғнида зар уқали сарий бўлиб, жуда ўткир овозда чийиллаб куй бошлади. Хотин анчагина қари кўринарди. Қўлларини қимирлатса қўнғироқчалари «жирийг-жирийг» қилиб овоз чиқарарди. Ашуласи ҳиндиларнинг қийқириғи ва ҳуштак овозлари остида кўмилиб кетарди. У бўйнидаги мунчоқларини шиқирлатар, бошини эгиб, худди илонга ўхшатиб ўнг ва чапга айлантирар, қошларини бир-бирига туташтирарди. «Худоё, кўзларининг атрофини қорайтириш учун шунча ҳам сурмани бекор кетказадими, киши!» Хотин бошини силкитиб, бир неча бор тешик олдига бериб қайтди. Най оҳанги тезлашди. Шу пайт тешик ичидан боши илоннинг бошига ўхшаш резинка тасма қаддини ростлади. «Шарақ-шуруқ» товуш эшитилди. Хотин қўлини чўзиб тасмани жони борица тортди. Сўнгра уни саҳнанинг четига олиб бориб, илонга ўхшатиб кулча қилиб қўйди.

Кейин қалин қош, жигар ранг мўйловли, бошида цилиндр шляпа эғнида ҳарбий либос бир киши, соя-бон ушлаб саҳнага чиқди. Найчи ҳамон най чаларди. Хотин қўлини тешикка тиқиб, у ердан ҳар хил нарсалар: таёқ, тахта, Макмаҳунининг эғнидагига ўхшаш қинал шинель, цилиндр қалпоқ, қутича, болға ва резинка пуфак олади. Энди хотин қоши қалин кишининг шогирди бўлади, эркак ёғочдан қўғирчоқ ясайди, сўнгра хотиннинг қўлидан резинка тасмани олиб, у билан ёғоч қўғирчоқнинг тана ва оёқ қўлларини ўрайди. Шинелини калласи илонга ўхшаган қўғирчоқнинг елкасига ташлаб, бошига узун қалпоқ кийдириб қўйди. Лабининг тепасига ширач билан мўйлов ёпиштирди. Ҳинди хотиннинг қўлидан синган крест олиб, шинелга тўғноғич билан қалади. Шундан сўнг гал пуфакка келди. Пуфакнинг учини қўғирчоқнинг оёғига боғлаб най орқали уни пуфлай бошлади. Қўғирчоқнинг калласи, бадани, оёқ-қўллари

аста-секин семириб борди. Охирида жуда баҳайбат бўлиб кетганидан бамисоли бутун саҳнани эгаллаб олди. Саллалли ҳинди ўзини четроққа олишга мажбур бўлди. Зари орқада кимнингдир «Гитлер-ку!» деб пичирлаган овозини эшитди. Бирдан дўмбира чалинди. Олдинда трубкасини лабининг четига қўйиб олган бир семиз киши, орқада Сэм амаки, турли юбкали, юбкасиз, ўроқ ҳам болға аломатларини билакларига боғлаб олган бир тўда офицерлар саҳнага ёпирилиб киришди. Ҳаммаларининг қўлида биттадан ўқ-ёй бор эди. Олдинига қўғирчоққа тегажаклик қилишди. Офицерлардан бири уларнинг олдини тўсиб «ниет, ниет» деб турди, сўнг у ҳам рози бўлиб «хараш, хараш», деб қичқирди.

Шундан сўнг дўмбира янада қаттиқроқ чалинди. Офицерлар ўқ-ёйларини ишга солиб, қўғирчоқ баданига ҳар қайсилари биттадан ўқ санчдилар. Қўғирчоқнинг аста-секин дами чиқиб, охирида шалвираб «писс» этиб ерга қулаб тушди. Йиғилганлар «Ура-а-а!» деб қичқаришиб, гулдурос чапак чалишди. Томоша давом этди...

ТҮРТИНЧИ БОБ

Шанба куни пешиндан кейин тақачи «Сеҳр»ни тақалаб кетди. Хусрав мактабдан қайтиб келса иш қолипдан кўчган экан. У маломат билан отасига қараганди, отаси «Бошқа чора йўқ эди, кеч бўлиб қолганди», деб жавоб берди. Сўнг ов тўғрисида гап кетганда, отаси «Сен билан «Сеҳр»ни ҳам овга олиб бораман», деб ваъда берди. То пайшанба куни кечга яқин отланиб йўлга чиқишгунларича Хусравнинг фикри-хаёлини «Сеҳр»нинг овга чиқа олиши ёки чиқа олмаслиги қамраб олганди.

Уларнинг овга кетганларига бор-йўғи йигирма тўрт соат бўлган бўлса ҳам Зарининг юраги гаш эди, минг фикрга борарди. Аммахоним унинг бу аҳволини сезиб: «Қўйсанг-чи, буича хавотир олмасанг, улар маза қилиб от чоптириб юрибдилару сени хаёлингда бўлса гоҳ улар шикастланган, гоҳ тоғдан йиқилган кўринади» деб уни юангирмоқчи бўларди.

Зари Гуломга иморат олдидаги саҳнга сув сеппиб, ҳовуз теваарак-атрофига қаминдан тўқилган стулларни териб қўйишни буюрди. Улар жума куни кун ботгунча келиб қоллишлари мумкин эди. Мино билан Маржон

ҳовуз атрофида ўраланиб юришар, оналарининг кўзи чалғиши билан қўлларини сувга тикишарди.

Боғ эшиги тақиллади. Зари овчиларни кутиб олишга чиқмоқчи бўлиб турган эди, Ғулом боғнинг эшигини ланг очиб қўйди. Извошка тўғри ичкарига кириб келарди. Зари извошкани кўриб ҳайрон бўлиб қолди: ие, улар отда кетишган эди-ку!..

Извошка Зарининг олдига етгач, ичидан иккита хоним тушди. Бошларида чодирнамоз¹ бўлиб, юзларини беркитиб олишганди. Жуда қизиқ: бу бесўнақай хотинлар кимлар экан? Қўпол оёқларига Ободада тикиладиган қалин чармли этиклар кийиб олишибди. Чодира тагида ҳам йўғон ва бақувват кўринардилар! Зари уларга салом берди. Хотинлар унга жавобан бош иргадилар. Улардан бири бақувват ва томирлари бўртиб чиққан қўллари билан извошчига пул узатди. Қўл соати эркаклар соатига ўхшарди. Зари қанча ўйламасин, уларни қаерда кўрганини эслолмади. Ким бўлди булар? Ҳозир айвонда тарёк чекиб ўтирган Фотима-хонимнинг эски дўстларимикан? Ёки эркакларни бир чўқишда қочирадиган шаҳарнинг эркакшода хотинлариданмикан? Яна фирибгар, товламачи хотинлардан бўлишмасин! Шу пайт қўлларини тирсакларигача сувга тикиб турган Мино ва Маржонга кўзи тушди. «Ҳовуз олдидан кетларинг», деб уларга бақириб, хотинлар стуллар ёнига яқинлашганда мулозамат билан «Марҳамат ўтиринглар», деди. Аммо улар индамай уй томон кетавердилар. Пақанароғи кулаётган бўлса керак, чодира ичида елкалари титрарди. Аммахоним чилимдан тортиб хотинларга қараб қўйди-да: «Бажаролмадим», деди. Чодира ёпинган хотинлар айвондан ўтиб, зал эшигини очиб ичкари кирдилар. «Кечаги ўз қўлимдан нон ва хурмо олган телбалардан бўлмасин, тагин? Лекин уйқусираб бировларнинг уйига кириб юрадиган одамларга ўхшаб «чурқ» этмай, холасининг уйидек кириб келаверишлари ҳам ақлга тўғри келмайдиган ишда!»

— Нега ўтирмайсизлар, марҳамат қилинглар, ростини айтсам, сизларни қаерда кўрганимни ҳеч эслолмаяпман,— деди Зари уларнинг орқасидан залга кириб.

¹ Уйда ёпинадиган паранжи.

— Юсуфжон қасрда? — сўради кирганлардан бири дўриллаган овозда.

— Хусрав билан овга кетинган.

Овоз эркак кишиники эди. Таниш овоз! Уларни бирон киши ҳазил-мазақ қилишга юборганга ўхшарди. Хотинлар креслоларга ўтиришиб, бошларидан чодирларни олишди. Улар қошлари қалин, кўзлари тим қора, киприклари узун, қирғий бурун, соқол-мўйловлари ўсиб кетган, бири ёшроқ, иккинчиси каттароқ икки эркак эди.

— Вой, Маликрустамхон, нима бу қилганингиз, ўтакамни ёриб юборай дедингиз-ку! — деб қичқириб юборди Зари.

— Тссс, секин, Юсуфнинг келишини кутамиз,— деди Маликрустам бармоқларини мўйлови устига қўйиб.

Зари айвонга чиқди. Эгизаклар аммахоним ёнида чилим чекишини томоша қилиб ўтиришганди. У яна залга қайтиб Маликрустам ва укаси Маликсуҳроб қўлларига биттадан елпиғич тутқазди.

— Роса мени ўйнатдингиз-а! Шунча йилдан бери, энди...

— Овдан қачон қайтаркин, қайтмаслиги ҳам мумкинми? — ташвишланиб сўради Маликрустам.

— Ҳозир келиб қолса керак, нима эди?

— Эшитишимча, эртага Гармсирга борармиш... Нега шу пайтгача ушланиб қолдийкин?

Зари меҳмонларга шарбат, ҳўл мева, pista-бодом келтириб, зал эшикларини очиб қўйди. Лекин чироғларни ёқиб қўйишга рухсат беришмади.

— Ҳўб, қандай шамол учирди сизларни, бизларни эслаб қолибсизлар? — деди Зари уларнинг рўпарасига ўтириб.

— Суҳробни амаким юборди, мен сизларни соғинган эдим, қўшилишиб келавердим,— деди Маликрустам мўйловини силаб.

— Чодир ёнииб келишларинг ҳам Суҳробхоннинг ўйлаб чиқарган ҳунаридир, балки? Ҳали ҳам шўхлиги қолмапти-да, эсингдами, Суҳробхон, оловнинг ўзи эдинг?

— Эсдан чиқариб бўлармиди, бу гал, бизларни таниб қолишмасин, деб чодира ёнииб олди,— деди Маликсуҳроб кулимсираб,— Қўлларига тушиб қолсак борми, гўштларимизни қийма-қийма қилишлари турган гап.

— Ажойиб кунлар экан, ҳеч нарсани ўйламасдик-а,— деди Зари Маликрустамга қараб. Сўнг ўша кунлардан бирини эслади:

Тўйлари бўлган йили. Ўша йили Элхонни ушлашиб Теҳронга олиб кетишган, қабила кўчиб кетишга тайёр-гарлик кўрмоқда эди. Юсуф ва Зарини зўр тантана билан кутиб олишди. Лекин Юсуф таъбири билан айтганда, юзаки тантанага ўхшарди. Ҳаммалари чанга ботган, ҳорғин, ғамгин ва ўйин-кулгуга тоқатлари йўқдек кўринарди. Эр-хотин хоннинг беш устунли чодирига етиб боргунларича пешвоз чиқанларининг ярмиси тарқалиб кетишди. Маликсуҳроб Элхон ўрнига ўтириб олган эди. Уларни кўриши билан «Кўчма пойтахтимизга хуш келибсизлар», деганди. Зари бундай чиройли ва ҳашаматли «кўчма пойтахт» чодирини биринчи марта кўриши эди. Уки гиламлару уки момиқ болишлар, уки чиройли чарм сандиқлар! Чодирнинг ичи ҳар хил расмлар, кўпроқ Рустамни дoston, Ашковус, Исфандиёр, Суҳроб ва Зари ақли етмайдиган бошқа тасвирлар билан безатилганди. Қизиги шуки, Маликсуҳроб гоҳ ёш болаларга ва гоҳ катталарга ўхшаб кетарди. У ўрнидан туриб, «Бу мен», деб Зарига Суҳробнинг расмини кўрсатди. Зари бўлса, «Худо кўрсатмасин, бу расмда Суҳроб биқинига ханжар санчилган ҳолда тасвирланган-ку! —» деди. Сўнгга Маликсуҳроб Рустамнинг расмини кўрсатиб «Бу эса Маликрустам, Элхоннинг акаси», деди. Зари Юсуф билан пичирлашиб турган Маликрустамга боқди. Маликрустам ғамгин жилмайиб турарди. Кейин Маликсуҳроб тоғора ичида қонга беланиб ётган кесик калла расмига ишора қилди, тоғора атрафида қип-қизил лолалар кўзга ташланар, уларни бир оғидлаб турарди.

— Буниси ҳали онам туғмаган акам,— деди Маликсуҳроб.

— Йўғ-э, мени алдаёлмайсиз, гаров ўйнаймиз, бу чўқинтирувчи Яхъё бўлиши керак.

— Бўпти, гаров ўйнаганим бўлсин,— деди Маликсуҳроб кулиб.

— Нимадан ўйнаймиз?

— Битта брно милтигидан,— деб Юсуфни чақириб расмини кўрсатди,— Хотинингиз мана бу суратни чўқинтирувчи Яхъё деяптилар, мен бўлсам...

— Уни кечиргайсиз,— деди Юсуф табассум билан,—

менинг хотиним мактабдан тугри эрининг уйига келган. Ҳали ҳам унинг мияси ривоятлар билан тўла. Чунки ҳар куни наҳорга мактабда бундай афсоналардан кўп эшитган.

— Топдим, топдим, бу кесилган бош Имом Ҳусайннинг калласи... Ана оти ҳам...— деди шошиб Зари.

— Қўй-ей, одамни хижолатга қўйдинг, у Сиёвушнинг калласи-ку,—деди Юсуф,

Маликсуҳроб яна бориб Элхоннинг ўрнига ўтирди:

— Олти минг аскаримиз бор. Ҳар куни бир юз эллик қўйнинг калласи олинсин... —деб бир нафас ўйланиб қолди:— сиз Заҳрохоним, эшитишимча, тўйингизга махсус ўз қўлингиз билан тўқиган гиламни Элхонга тақдим қилмоқчисиз. Биз рози эмасмиз! Бу гиламнинг ҳар баҳяси сизнинг пешона терингиз ва меҳру муҳаббатингиздан далолат бериб турибди. Бу чодирлар вужудга келтирган катта кўчаларни кўрдингизми, қўлларида милтиқ, жангга тайёр турган шунқорларни ҳам кўрган-дирсиз, карнай ва дўмбира овозларини эшитяпсизми? Бу ҳарбий марш сизнинг шарафингизга чалинмоқда,— деди Зарига Маликсуҳроб тахтда ўтирган подшоҳларга тақлид қилиб.

Маликсуҳроб сўзлари ҳали тугамаган ҳам эди, чодирга онаси Бибиҳамдам кириб келиб, ҳамма билан кўришди.

— Тур ўрнингдан, бола, яна маза-бемаза гапларни гапираяпсанми? Иккита товуқ ушлашибди, югур қош қорайгунча сўйиб қўй,— деди ўғлига Бибиҳамдам. Маликсуҳроб жаҳли чиқиб, лабини чўччайтириб чиқиб кетди ва бир оздан сўнг иккита боши кесилган товуқни кўтариб келиб, унинг этагига ташлади...

— Заҳрохоним, ўйга чўмиб кетдингиз, авф этасиз, халақит бердик, шекилли?—сўради Маликрустам Зарининг хаёл инларини узиб.

— Йўғ-э, нималар деябсиз, фақатгина Элхон чодирга борганим ёдимга тушиб кетди. Тўйимизнинг биринчи йили. Эсингиздами, уша кеча менинг олдимда, янги келин эдим, онангизга ҳунар кўрсатганингиз?

— Яхши эсимда.

— Ёш бола эдингиз-да!

— Болалик эмас, шўхлик, қулоқсизлик.

— Бибиҳамдам лозимларини ўзгартиришга мажбур